

2019 йил апрель

Лойиҳа ҳисобдорлиги сиёсати



European Bank
for Reconstruction and Development

МУНДАРИЖА

I бўлим I:	Мақсад	2
I бўлим II:	Атамалар	2
I бўлим III:	Қўлаш соҳаси	5
I бўлим IV:	Мажбуриятдан воз кечиш, истиснолар ва ахборотни ошкор қилиш	29
I бўлим V:	O'tish davri uchun tartib-qoidalar	29
I бўлим VI:	Amal qilish muddati	29
I бўлим VII:	Qaror qabul qilish mexanizmi	29
I бўлим VIII:	Tahlil va hisobot berish	29
I бўлим IX:	Mavzuga oid hujjatlar	29

I бўлим I: Мақсад

ЕТТБ ўзининг барча инвестицияларида барқарор ривожланишни рағбатлантириш тарафдори, чунки у иқтисодий ўтиш жараёнининг асосий омили ҳисобланади. Банк лойиҳаларининг экологик ва ижтимоий амалиётлари ЕТТБ стандартларига мос келишини таъминлаш учун Банк лойиҳалардан ўзининг экологик ва ижтимоий сиёсатларига мувофиқлигини талаб қилади. Бундан ташқари, Банк шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш, манфаатдор томонлар билан мулоқотни кучайтириш ва самарали бошқарувни рағбатлантириш мақсадида Ахборотдан фойдаланиш сиёсатига мувофиқ лойиҳа ҳақида айрим маълумотларни жамоатчиликка ошкор қилиши шарт.

ЕТТБнинг Лойиҳа ҳисобдорлиги мустақил механизми (IPAM) ушбу мажбуриятларни яна бир бор тасдиқлайди. IPAM банк томонидан молиялаштирилган, зарар келтирган ёки келтириши мумкин бўлган лойиҳалар бўйича жисмоний шахслар ёки ташкилотлар томонидан кўтарилган муаммоларни мустақил равишда кўриб чиқади.

Механизмнинг мақсади лойиҳанинг манфаатдор томонлари ўртасида ижтимоий, экологик ва маълумотлатни ошкор қилиш масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериш; Банк ўзининг Экологик ва ижтимоий сиёсатига ҳамда Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг Лойиҳа билан боғлиқ қоидаларига амал қилаётган ёки қилмаётганлигини аниқлаш; тегишли ҳолатда, келажакда Банк томонидан ушбу сиёсатларга риоя қилмаслиқнинг олдини олиш билан бирга, мавжуд бўлган ҳар қандай номувофиқликни бартараф этиш кабилардан иборат.

IPAM Банкнинг инвестиция амалиётларидан мустақил (яъни, Банк назоратидан ташқарида) бошқариладиган функция бўлиб, у ўзининг Аудит қўмитаси орқали Директорлар Кенгашига бевосита ҳисобот беради.

Ушбу Сиёсат 2014 йилги Лойиҳалар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш механизми (PSM) тартиб- қоидаларининг ўрнига қўманилади.

I бўлим II: Атамалар

Ушбу Сиёсатда қўманиладиган атамалар қуйидаги маъноларга эга:

Ахборотдан фойдаланиш сиёсати	ЕТТБнинг Ахборотдан фойдаланиш сиёсати (2019) ёки лойиҳа Кенгаш томонидан маъқумланган пайтда амалда бўлган Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг олдинги талқини ёки агар Кенгаш тасдиқлаш учун ваколат берган бўлса, Банк раҳбарияти томонидан тасдиқланган шундай ҳужжат, шу жумладан ҳар қандай тегишли кўрсатма;
Йиллик ҳисобот	ушбу Сиёсатнинг ВИИИ бўлимига мувофиқ IPAM томонидан тайёрланган йиллик ҳисобот;
Баҳолаш ҳисоботи	ушбу Сиёсатнинг III бўлими, 2.3-бандига мувофиқ IPAM томонидан
Аудит қўмитаси	Директорлар кенгашининг аудит қўмитаси;
Банк (ёки ЕТТБ)	Европа тикланиш ва тараққиёт банки;
Кенгаш	Банкнинг директорлар Кенгаши;
Иш куни	Банк Лондонда ва унинг ваколатхоналарида ишлаш учун очиқ бўлган иш куни;
Кейс (ёки алоҳида иш)	рўйхатга олинганидан кейин ушбу Сиёсат доирасида сўровни кўриб

Ишлар реэстри	IPAM веб-сайтида топиш мумкин бўлган, ушбу Сиёсатнинг III бўлими, 3.1-бандига мувофиқ яратилган алоҳида ишлар реэстри;
Мижоз	Лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган жисмоний шахс(лар) ва/ёки юридик шахс(лар);
Мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳисобот	ушбу Сиёсатнинг III бўлими, 2.6-бандига кўрсатилган мувофиқликни баҳолаш ҳисоботи;
Мувофиқлик таҳлили ҳисоботи	ушбу Сиёсатнинг III бўлими, 2.7 бандига белгиланган мувофиқлик таҳлили ҳисоботи;
Экологик ва ижтимоий сиёсат	ЕТТБ Экологик ва ижтимоий сиёсати (2019 йил) ёки лойиҳа тасдиқланган пайтда амалда бўлган аввалги экологик ва ижтимоий сиёсат;
Лойиҳа ҳисобдорлиги мустақил механизми (IPAM)	Мазкур сиёсат доирасида ишлаб чиқилган лойиҳа ҳисобдорлиги мустақил механизми
IPAM раҳбари	IPAMни бошқариш, ушбу Сиёсатни амалга ошириш ва ушбу Сиёсатга мувофиқ IPAM масъулияти бўлган қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган раҳбар;
Раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси (MAP)	ушбу Сиёсатнинг III бўлими, 2.7.1-бандига белгиланган раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси;
Ташкилот	жамият ёки фуқаролик жамиятининг муайян манфаатларини ифодалаш учун ихтиёрий равишда фуқаролик жамияти шаклида ташкил этиладиган ҳар қандай ташкилот, бирлашма ёки гуруҳ. Ташкилотлар жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллий аҳоли ташкилотлари, тадбиркорлик бирлашмалари ва касаба уюшмаларини ўз ичига олади;
Томонлар	ишдан бевосита манфаатдор жисмоний, юридик шахслар ва ташкилотлар. Томонлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин (лекин улар билан чекланмайди): сўровчилар, уларнинг вакиллари (агар бор бўлса), Банкнинг тегишли бошқармаси, гуруҳи ёки бўлими, мижоз, лойиҳани молиялаштирувчи бошқа шахслар ёки лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган бошқа шахслар;
PSM тартиб-қоидалари	2014 йилги Лойиҳалар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш механизми тартиб-қоидалари;
Муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳисобот	ушбу Сиёсатнинг III бўлими, 2.4-бандига мувофиқ IPAM томонидан тайёрланган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳисобот;
Муаммоларни ҳал қилиш хулосаси	ушбу Сиёсатнинг III бўлими, 2.4-бандига мувофиқ IPAM томонидан тайёрланган муаммоларни ҳал қилиш хулосаси;
Харидлар қоидалари	Банкнинг 2017 йил 8 ноябрдаги Корпоратив харидлар тўғрисидаги сиёсатида кўрсатилган йўриқномага мувофиқ харид қилиш қоидалари ва вақти-вақти билан ўзгартиришлар киритилган ҳар қандай тегишли тартиб-қоидалар;

Лойиҳадан зарар кўрган кишилар	Лойиҳанинг бевосита ёки билвосита натижаси сифатида атроф-муҳит, ижтимоий ёки маданий жиҳатдан зарар кўрган (ёки кўриши мумкин бўлган), Лойиҳа салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳудудда яшовчи бир ёки бир нечта шахс. Зарар қуйидагилар билан боғлиқ бўлиши мумкин (лекин улар билан чекланмайди): иш ва меҳнат шароитлари; саломатлик ва хавфсизлик; ифлосланиш; ер сотиб олиш, мажбурий кўчириш ёки иқтисодий кўчириш; биологик хилма-хилликка, кўриқланадиган ҳудудларга ёки тирик табиий ресурсларни барқарор бошқаришга бўладиган салбий таъсир; моддий ёки номоддий маданий мероснинг йўқолиши ёки манфаатдор томонларнинг етарли даражада иштирок этмаслиги ёки маълумотларнинг ошкор этилиши;
Президент	Банк президенти;
Лойиҳа	мижоз ЕТТБ томонидан молиялаштиришни сўраган ва Кенгаш ёки, агар Кенгаш тасдиқлаш учун ваколат берган бўлса, Банк раҳбарияти томонидан маъқулланган молиялаштириш шартномаларида кўрсатилган ишлар, маҳсулотлар, хизматлар ва/ёки тадбиркорлик фаолиятлари мажмуи;
Сўров	ушбу Сиёсатга мувофиқ сўровчи томонидан IPAMга юборилган сўров;
Сўровчи	Ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, сўровни юборган жисмоний шахс(лар) ёки ташкилот(лар);
Вакил	Сўровчи ушбу Сиёсатга мувофиқ вакилик қилишни танлаган ҳар қандай жисмоний шахс(лар) ёки ташкилот(лар);
Қарши ҳаракатлар	Ҳар қандай шахсга нисбатан IPAM билан ўзаро алоқада бўлиши сабабли овозини ўчириш, бунга тўсқинлик қилиш ёки Сўров юборилишига ёхуд сўровнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шахсга тавсия этилган, таҳдид қилинган ёки амалга оширилган (бевосита ёки билвосита) ножўя ҳаракатлар. Қарши ҳаракатлар сирасига таъқиб қилиш, кўрқитишга уриниш, камситувчи муносабат, ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, тирикчилик ёки обрўга хавф солиш, жисмоний зўравонлик, жиноий жавобгарликка тортиш ёки қамоқ жазоси билан таҳдид қилиш кабиларни киритиш мумкин;
Ҳимояга муҳтож кишилар	Жинси, гендер мансублиги, жинсий ориентацияси, дини, этник келиб чиқиши, туб жой аҳолиси мақоми, ёши (шу жумладан болалар, ёшлар ва қариялар), жисмоний ёки ақлий заифлиги, саводхонлик даражаси, сиёсий қарашлари ёки ижтимоий мақоми каби хусусиятлар туфайли Лойиҳадан бошқаларга қараганда кўпроқ зарар кўриши мумкин бўлган шахслар ёки шахслар гуруҳлари. Ҳимояга муҳтож шахслар ва/ёки гуруҳлар қуйидагиларни ҳам ўз ичига олиши мумкин, лекин булар билан чекланмайди: камбағаллик чегарасидан паст шароитда яшовчи одамлар, ерсиз, эр ёки хотини бўлмаган уй хўжаликлари, табиий ресурсларга боғланиб қолган жамоалар, меҳнат мигрантлари, қочқинлар, мамлакат ичида бир жойдан бошқа жойга кўчирилган ёки миллий қонунчилик ва/ёки халқаро оммавий ҳуқуқ билан ҳимоялана олмайдиган, бошқача тарзда кўчирилган шахслар.

I бўлим III: Қўлаш соҳаси

1. ФУНКЦИЯЛАР ВА БОШҚАРУВ

1.1 IPAM сўровларни кўриб чиқиш учун иккита қўшимча, суддан холи ва мурасали функцияга эга:

- a) Айблов ёки хатолик асосида бўлмаган сўров доирасида экологик, ижтимоий ва маълумотни жамоатчиликка ошкор қилиш муаммоларини ҳал қилиш учун Сўровчилар ва Мижозлар ўртасидаги мулоқотни таъминловчи муаммоларни ҳал қилиш функцияси. IPAM муаммони ҳал қилишнинг мослашувчан, мурасага асосланган ёндашувлари орқали ўзаро мақбул ечимларни топишга ёрдам бериш учун бетараф учинчи томон сифатида лойиҳадан зарар кўрган кишилар, мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилади;
- b) ЕТТБ ўзининг Экологик ва ижтимоий сиёсатига ёки Лойиҳага нисбатан ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг ўзига хос қоидаларига мувофиқлигини аниқловчи мувофиқлик функцияси. Шу тарзда, Мувофиқлик функцияси фақат Банк талабларига риоя қилиш билан боғлиқ ва Мижознинг талабларига мувофиқ бўлмайди. IPAM Банк ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан Экологик ва ижтимоий сиёсатнинг бирон бир қоида (шу жумладан, Банкдан мижознинг мажбуриятларини назорат қилишни талаб қиладиган ҳар қандай қоидага) ёки Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг лойиҳага алоқадор қоидаларини бузган ёки бузмаганлигини аниқлаш учун Лойиҳадан зарар кўрган кишилар, Банк ходимлари, мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилади Агар ЕТТБ юқоридаги сиёсатлардан бирортасига риоя қилмаётгани аниқланса, мувофиқлик функцияси мавжуд номувофиқликларни бартараф этиш, келгусида номувофиқликларнинг олдини олиш, институционал таълимга кўмаклашиш ва салоҳиятни ошириш учун лойиҳага мўлжалланган ва Банк амалиётида тартибларни ўзгартиришга қаратилган чоралар таклиф қилади.

1.2 Бошқа функциялар. IPAM шунингдек қуйидаги ваколатларга эга:

- a) Умумий муаммоларни аниқлаш учун институционал тажрибани аниқлаш, конструктив маслаҳатлар бериш ва ЕТТБда узлуксиз таълим маданиятини юксалтириш. IPAMнинг институционал таълим ва маслаҳат функциясига оид батафсил қоидалар 3.2- бандда келтирилган.
- b) IPAMнинг мақсади, функциялари ва фаолияти маълум ва тушунарли бўлишини таъминлаш учун ички ва ташқи манфаатдор томонлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш. IPAMнинг тушунтириш ишлари билан бўғлиқ функциясига оид батафсил қоидалар 3.2- бандда келтирилган.

1.3 Асосий тамойиллар. IPAM қуйидаги тамойилларга асосланиб, ушбу тўртта функцияни бажаради:

- a) *Мустақиллик ва холислик*: IPAMнинг банк бошқарувидан мустақиллиги ҳамда барча манфаатдор томонларга нисбатан адолатли ва холис муносабатда бўлиши орқали барча Томонларнинг ишончини қозониш;
- b) *Шаффофлик*: томонларни ишнинг бориши, механизмнинг қандай ишлаётгани ва IPAM орқали эришиладиган натижалар турлари ҳақида хабардор қилиш;
- c) *Олдиндан айтиш имконияти*: аниқ, изчил жараёнлар ва тартибларни таклиф қилиш;
- d) *Адолатлилик*: барча томонлар IPAM жараёнларида иштирок этиш учун зарур бўлган маълумотларга адолатли ва очиқ шартларда, тегишли махфийлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, оқилона фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун ҳаракат қилиш;
- e) *Фойдаланиш имконияти*: IPAMдан фойдаланиши мумкин бўлган шахслар ва гуруҳларга маълум бўлиши керак бўлган фаолият; фойдаланишга қўйилган

тўсиқларни енгиллаштириш; маданий ва гендерга таъсирчан тарзда ҳаракат қилиш; ишларни махфий тарзда кўриб чиқиш, қарши ҳаракатлар хавфини баҳолаш ва хавфларни камайтириш чоралари орқали IPAMдан хавфсиз фойдаланишни рағбатлантириш.

- 1.4 ЕТТБда ҳисобдорлик – бу IPAM, Банк Директорлар кенгаши ва раҳбариятининг кўп ва ўзаро боғлиқ роль ва масъулиятини ўз ичига олган банк миқёсидаги ҳаракатлар мажмуидир. IPAM раҳбари қуйидаги 3.3-бўлимда тавсифланганидек, ушбу Сиёсатга мувофиқ Банкнинг лойиҳа ҳисобдорлиги бўйича ваколатини амалга оширишга бошчилик қилади.
- 1.5 IPAM бевосита Директорлар кенгашига ҳисобот бериб, мустақил равишда ишлайди. Аудит қўмитасининг IPAMга нисбатан роли ва масъулияти¹ ушбу қўмита ваколатларида акс эттирилган. IPAM фаолиятига оид қоидалар қуйида 3.3-бандда келтирилган.

2. АЛОҲИДА ҲОЛАТЛАРНИ ЮРИТИШ ЖАРАЁНЛАРИ

IPAM алоҳида ишларни юритиш жараёни қуйидаги босқичларнинг баъзиларини (лекин барчаси бўлиши шарт эмас) ўз ичига олиши мумкин (1-расм):

- a) Рўйхатдан ўтиш;
- b) Баҳолаш;
- c) **А вариант:** Муаммоларни ҳал қилиш, сўнгра муаммоларни ҳал қилиш бўйича келишув мониторинги (бор бўлса); ва/ёки

В вариант: Мувофиқликни баҳолаш, сўнгра мувофиқлик таҳлили ва раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини мониторинг қилиш (бор бўлса) (1-расмга қаранг).

¹ Аудит қўмитаси ёки Кенгаш ушбу назорат функциясини топширадиган ҳар қандай келажақдаги Бошқарув қўмитаси.

1-расм. IPAM алоҳида ишларни юритиш жараёни схемаси



* Муаммоларни ҳал қилиш жараёни якунлангандан сўнг, агар сўровчилар зарур деб ҳисобласа, ишни мувофиқликни баҳолаш учун топшириш мумкин.

Алоҳида ишларни юритиш жараёнининг ҳар бир босқичи учун мақсадлар, мезонлар, ёндашувлар, ҳисобот натижалари ва эҳтимолий натижалари қуйида 2-бандда батафсил келтириб ўтилади.

2.1 Сўровни топшириш

а) Сўровни ким топшириши мумкин:

- i. Сўров ўзини лойиҳа зарар етказган (ёки зарар етказиши мумкин) деб ҳисобловчи жисмоний шахс(лар) ёки ташкилот(лар) томонидан топширилиши мумкин;
- ii. IPAM, шунингдек, лойиҳа бевосита ёки шахсан зарар етказмаган Ташкилотлар томонидан юборилган сўровларни ҳам қабул қилади ва қайта ишлайди. Бундай ҳолларда, IPAM сўровнинг ҳолатларини ҳисобга олади ва агар сўровда қониқарли маълумотлар бўлса, рўйхатдан ўтишни давом эттиради:

- a. Агар лойиҳадан зарар кўрган кишилар бор бўлса, сўровчилар томонидан лойиҳадан зарар кўрган ана шундай кишилар билан боғлиқ масалалар бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатларни тасдиқлаш ва сўровга алоқадор лойиҳадан зарар кўрган кишилар томонидан тақдим этилган ҳар қандай фикр-мулоҳазалар;

- b. Лойиҳадан зарар кўрган кишиларнинг ўзлари сўров юборишларига тўсқинлик қиладиган сабаблар.

Лойиҳа бевосита ёки шахсан зарар келтирмаган ташкилотлар томонидан тақдим этилган сўровлар, агар улар рўйхатдан ўтган бўлса, IPAM мувофиқлик функцияси доирасида кўриб чиқилиши мумкин.

b) **IPAMга сўровни қандай юбориш керак.**
IPAM сўровлари ҳар қандай ёзма шаклда юборилиши мумкин. Гарчи талаб қилинмаса ҳам, сўровни қандай ёзиш ва юбориш бўйича кўрсатмалар ушбу ҳужжатнинг А иловасида келтирилган ва IPAM веб-сайтида топиш мумкин бўлган IPAM сўровининг намуна шаклида мавжуд. Сўровни тўлдириш ва юбориш бўйича кўрсатмалар учун IPAM билан ҳам боғланиш мумкин. Аризаларни қуйидаги усуллардан фойдаланиб юбориш мумкин:

- i. IPAMнинг хавфсиз, шифрланган онлайн сўров шакли IPAM веб-сайтида мавжуд;
- ii. IPAM сўрови андазасо (А иловада келтирилган); ёки
- iii. Ҳар қандай бошқа ёзма шаклда;

Электрон манзил, факс, почта орқали ёки шахсан IPAMнинг қуйидаги манзилига тақдим этилади:

Электрон манзил: ipam@ebrd.com

Тел.: +44 7881013976

Факс: +44 20 7338 7633

Почта манзили:

Олувчи: Лойиҳа ҳисобдорлиги мустақил механизми (IPAM)

Европа тикланиш ва тараққиёт

One Exchange Square

London

United Kingdom

EC2A 2JN

Сўровлар, шунингдек, ЕТТБнинг исталган ваколатхонасига юборилиши ёки етказилиши мумкин (ваколатхона манзили бўйича IPAM номига юборилади, шундан сўнг ваколатхона сўровларни IPAMга беради).

Банк ваколатхоналарининг манзиллари қуйидаги ҳаволадан топиш мумкин:

<https://www.ebrd.com/contactc.xhtml>

c) **Сўровга нима киритилиши керак.** Сўровда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- i. Сўров юборган шахс(лар) ёки ташкилот(лар) нинг номи(лар);
 - a. Сўровчилар сўровда санаб ўтилган айрим ёки барча жисмоний ёки юридик шахсларнинг шахси сир сақланишини талаб қилишлари мумкин. IPAM сўровда махфийлик тўғридан-тўғри сўралган ҳолатда сўровчиларнинг шахсини ҳимоя қилишга мажбур. Сўровчидан нима учун ўз сўровида махфийликни сақлашга интилаётгани ҳақида мантиқий маълумот бериш сўралади ва сўровчиларнинг сўровига кўра, ушбу ҳужжатнинг 3.1(к)- бандида кўрсатилганидек, махфийликни сақлаш сўрови билан бирга IPAM қарши ҳаракатлар хавфини баҳолашни бошлаши мумкин. Махфийлик IPAM томонидан сўров олинганидан кейин ва ҳар қандай ҳолатда IPAM сўровни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин имкон қадар тез муддатда кўриб чиқилади. Талаб қилинган махфийликни сақлаш учун барча оқилона ҳаракатлар амалга оширилади. Бироқ агар IPAM махфийлик асосли равишда сўровни кўриб чиқишга тўсқинлик қилади, деб ҳисобласа, IPAM дарҳол сўровчиларни бу ҳақда хабардор қилади. IPAM ва сўровчилар сўровни кўриб чиқишни қандай давом эттиришни келишиб оладилар. Агар уни давом эттиришнинг имкони бўлмаса, IPAM жараёни тугатиши мумкин;
- ii. Сўровчиларнинг боғланиш маълумотлари (шу жумладан яшаш манзили ёки почта манзили ва иложи борица телефон рақами, электрон почта манзили ва/ёки факс рақами);
- iii. Қизиқиш билдирилган лойиҳа ЕТТБ инвестицияси эканлигини аниқлаш учун тавсиф (масалан, лойиҳа ёки мижоз номи, лойиҳанинг жойлашуви ёки соҳаси);

- iv. Лойиҳа олиб келиши кутилаётган ёки келтириши мумкин бўлган зарар ёки эҳтимолий зарар тавсифи;
- v. i) Сўровчиларнинг сўровда кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш учун Банк ва/ёки мижоз билан қилган ҳар қандай яхши ниятдаги саъй-ҳаракатларининг тавсифи ва бу саъй-ҳаракатлар натижаларининг тавсифи, ёки
ii) нима учун бундай ҳаракатлар амалга оширилмаганлигининг изоҳи. IPAM, агар у бундай ҳаракатлар сўровчилар учун ёки лойиҳадан зарар кўрган кишилар учун фойдасиз ёки зарарли бўлиши мумкин деб ҳисобласа, амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг бундай яхши ниятдаги талабидан воз кечади.

d) **Сўровга қўшиладиган ихтиёрий маълумотлар.**

Гарчи талаб қилинмаса ҳам, сўровчилар муайян ўзларига маълум, ўзлари хоҳлаган ёки фойдаланиш мумкин бўлган қуйидаги маълумотларни ҳам тақдим этишлари мумкин:

- i. IPAM жараёни орқали улар эришмоқчи бўлган натижалар тавсифи;
- ii. Сўровчилар муаммоларни ҳал қилиш, мувофиқлик таҳлили вариантлари ёки сўровда кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш учун ҳар иккаласининг ҳам ўрганишдан манфаатдор ёки йўқлиги;
- iii. Сўровчиларнинг фикрича, Банк томонидан бажарилмаган Экологик ва ижтимоий сиёсат ёки Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг бажарилишига оид аниқ талаблар ёки қоидалари;
- iv. Сўровчилар ва ЕТТБ ёки мижоз ўртасидаги алоқанинг ҳар қандай ҳужжатлари;
- v. Сўровга киритилиши ёки унга илова қилиниши мумкин бўлган, сўровга алоқадор ҳар қандай бошқа маълумотлар ёки материаллар. Бунга ёзма ёки оғзаки баёнотлар, фотосуратлар, тасвирлар, видеолар, ёзувлар, оммавий ахборот воситалари ҳисоботлари ёки хариталар

киради (лекин улар билан чекланмаган); ва/ёки

- vi. Сўровчининг IPAM билан боғланишнинг афзал кўрган усули (масалан, электрон почта, телефон, факс, оддий почта, WхатсАпп каби алоқа иловалари ёки муайян хавфсиз алоқа каналлари); ва
- vii. Сўровчиларга нисбатан қарши чоралар хавфи билан боғлиқ ҳар қандай муаммолари; ёки.
- viii. Вакиллар. Сўровчилар, ўз хоҳишларига кўра, ишни кўриб чиқишда уларга ёрдам бериш учун вакил тайинлашлари мумкин. Бундай ҳолларда, сўровда вакилнинг сўровга нисбатан сўровчилар номидан ҳаракат қилиш ваколатини ёзма тасдиқловчи (масалан, сўровчилар томонидан имзоланган хат) бўлиши зарур. Сўровчилар ўз вакили IPAM ва сўровчилар ўртасидаги барча расмий алоқалар учун ваколатли шахс сифатида ҳаракат қилишини хоҳлашларини кўрсатишлари керак, бу ҳолда вакилларнинг ҳам алоқа маълумотлари тақдим этилиши зарур. Бироқ, зарур ҳолларда, IPAM сўровчилар билан бевосита боғланиши мумкин.

2.2 Рўйхатдан ўтиш

- a) **Мақсад.** Сўровни юбориш ушбу 2.2-бандда тавсифланган кўздан кечириш жараёнини бошлайди. Рўйхатдан ўтиш босқичининг мақсади сўровларни IPAMда рўйхатдан ўтишни талаб қилиш ёки йўқлигини тасдиқлаш учун кўздан кечириш ва шунинг учун 2.3-бандга мувофиқ сўровни баҳолашдир.
- b) **Мезонлар.** Сўров қуйидаги ҳолларда рўйхатга олинади:
 - i. У 2.1 (с) бандида кўрсатилган мажбурий маълумотларни ўз ичига олади;
 - ii. IPAM хулосасига кўра, у Экологик ва ижтимоий сиёсат бўйича банкнинг муайян мажбуриятлари ёки Банкнинг Ахборотдан фойдаланиш сиёсати доирасидаги лойиҳага оид мажбуриятлари билан боғлиқ деб ҳисоблаган масалаларни кўтарса; ва

- iii. Агар сўров Банкнинг лойиҳадаги молиявий манфаатлари тўхтатилган кундан бошлаб 24 ой ичида тақдим этилса, у Банк томонидан маъқулланган лойиҳага тааллуққидир (яъни, тўлиқ тўлов, олдиндан тўлов, тасарруф этиш натижасида ёки бошқа йўлар билан).
 - a. Агар сўров ҳали маъқулланмаган амалиётларга тааллуққидир бўлса, IPAM бу ҳақда Банк раҳбариятини хабардор қилади ва бу ҳақда аудит қўмитаси орқали сўровчилар ва Бошқарувни хабардор қилади. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида Банк раҳбарияти сўровни инobatга олади ва сўровчининг муаммоси қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида IPAMни ёзма равишда хабардор қилади.
- c) **Қўлаш доираси ва истиснолар.** Сўров, агар 2.2(б)-банд талабларига жавоб бермаса ёки қуйидаги ҳолатда рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас:
 - i. У фақат қуйидагиларга тааллуққидир: ЕТБ сиёсати, Банкни таъсис этиш тўғрисидаги битимнинг мақбулиги ёки мувофиқлиги ё ички бошқарув ёхуд ходимлар қарорлари ёки фаолияти каби оператив бўлмаган масалалар;
 - ii. У Банк ёки Мижоз назорати остидаги масалаларга эмас, фақат учинчи томоннинг, масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органининг мажбуриятларига ва уларнинг миллий талабларга ёки халқаро ҳуқуқ ёки шартномага мувофиқ мамлакат мажбуриятларига мувофиқ бўлса;
 - iii. Агар аввал IPAM ёки унинг олдинги ташкилотлари аввал бу сўровга алоқадор бўлса (янги далиллар тақдим қилинган ёки аввалги сўровни бериш вақтида ноаниқ бўлган ҳолатлар бундан мустасо), лойиҳа шикоятларини кўриб чиқиш механизми ёки мустақил ҳимоя механизми томонидан кўриб чиқилган масалаларга тааллуққидир бўлса;
- iv. Шахсий, рақобатбардош ёки бошқа афзалликларни қўлга киритиш ёки тижорат ёки интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш мақсадида фирибгарлик, бепарволик ёки ғаразли тарзда тақдим этилган бўлса; ва/ёки
- v. Унда фақат фирибгарлик, коррупция, ахлоқ, ҳаломлик, давлат бошқаруви, ички қонунчилик, харидлар билан боғлиқ масалалар, шартнома масалалари ёки инсон ресурслари билан боғлиқ айбловлар кўтарилган бўлса:
 - a. Фирибгарлик, коррупция, ахлоқ ёки ҳаломлик ҳақидаги даъволарни ўз ичига олган сўровлар Банкнинг мувофиқлиги бўлими бошлиғига юборилади.
 - b. Харидлар билан боғлиқ саволлар сабабли бўладиган сўровлар Банкнинг Харидлар бошқармаси бошлиғига юборилади.
- d) **Рўйхатдан ўтишнинг бошқа омилари.** Сўровни журналга киритиш кераклигини аниқлашда IPAM қуйидагиларни ҳам кўриб чиқади:
 - i. Ишни кўриб чиқиш такрорланиши мумкин ёки йўқлиги, айти сўровчилар (ёки, агар сўровчилар бир гуруҳ шахслар ёки ташкилотлар бўлса, гуруҳнинг баъзи аъзолари) томонидан худди шу лойиҳа ва/ёки масалалар бўйича бошланган ҳар қандай бошқа жараёнга ҳалақит бериши мумкин ёки йўқлиги;
 - ii. Сўровчи сўровда Мижознинг низо ёки шикоятларини ҳал қилиш механизми, ҳаммуаллифнинг мустақил жавобгарлик механизми ёки суд, ҳакамлик суди ёки низоларни ҳал қилишнинг бошқа механизми билан боғлиқ муаммоларни кўтарган ёки йўқлиги ва агар шундай бўлса, IPAM ҳам бу саъй-ҳаракатларни ҳисобга олади.

- е) **Ёндашув.** IPAM рўйхатга олиш сўровининг қуйидагиларни ўз ичига олган таркибини кўриб чиқиш орқали тасдиқлайди; агар шундай сўров бўлса, унга киритилган ҳар қандай тасдиқловчи ҳужжатлар; ҳар қандай оммавий ахборот; ва/ ёки Банк раҳбарияти, мижоз ёки сўровчилар томонидан тақдим этилган Лойиҳа билан боғлиқ ёки тегишли бошқа маълумотлар.
- ф) **Сўровни тўхтатиб туриш.**
- i. Агар IPAM 2.2(б)-бандда кўрсатилган мезонларга жавоб бермагани учун сўровни рўйхатга ололмаса ва IPAM сўровчилар хатони тузатиши мумкин деб ҳисобласа, IPAM бу ҳақда сўровчиларни (ёки агар бор бўлса, уларнинг вакиллари) хабардор қилади. Шундан сўнг IPAM рўйхатга олиш қарорини тўхтатиб туради ва сўровчиларга қуйида 3.1(n)-банда кўрсатилганидек, камчиликни тузатиш ва сўровни қайта юбориш учун оқилона имконият яратади;
 - ii. Агар сўровчилар Банк ва/ёки мижоз билан сўровда кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш учун адолат билан ҳаракат қилмаган бўлса (ва IPAMга нима учун бундай ҳаракатларни амалга ошириш мумкин эмаслиги ҳақида қоникарли тушунтириш бермаган бўлса), IPAM сўровчилар билан бу камчилик борасида маслаҳатлашади;
 - а. Агар талаб 2.1 с)vi-бандга мувофиқ бекор қилинмаса, IPAM кейинчалик сўровни рўйхатдан ўтказишни тўхтатиб қўйиши ва уни Банк раҳбариятига юбориши мумкин. Банк раҳбарияти IPAM раҳбарининг ихтиёрига кўра, кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш учун виждонан ҳаракат қилиш учун кўпи билан 45 иш кунига эга бўлади (3.1 (n)-бандида кўрсатилганидек). Тўхтатиб туриш даврида IPAM ҳар қандай тўхтатилган сўровнинг ҳолати ва боришини кузатиб боради. агар IPAM фикрича, аризада кўрсатилган масалалар Банк раҳбариятининг ёки Мижознинг саъй- ҳаракатлари билан ҳал этилмаган бўлса, IPAM тўхтатиб туришни бекор қилиши ва сўровни ишни юритиш учун рўйхатдан ўтказиши мумкин. IPAM бундай қарорларни қабул қилишда сўровчилар ва Банк раҳбарияти билан маслаҳатлашади.
- г) **Якуний натижа.** IPAM, агар у 2.2(b)-бандида кўрсатилган мезонларга жавоб берса, 2.2(c)- бандида кўрсатилган истиснолардан бирортасига тўғри келмаса ва агар IPAM сўровни кўриб чиқиш нуқтаи назаридан рўйхатдан ўтишни 2.2 (d)-бандда кўрсатилган рўйхатдан ўтишни белгиловчи бошқа омилар бўйича мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, уни рўйхатдан ўтказди. IPAM сўровчилар, Банк раҳбарияти ва мижозга ўз қарори тўғрисида хабар қилади ҳамда Кенгаш ва Президентга янги сўровни рўйхатдан ўтказишни маълумот учун тақдим этади. Зарурат туғилганда, IPAM ҳар чораклик ҳисоботининг бир қисми сифатида ёки янги рўйхатга олинган сўровлар ҳақида Кенгашга хабар бериши мумкин. IPAM рўйхатдан ўтган сўровларни IPAM алоҳида ишлар реестрида эълон қилади.
- i. Банк раҳбарияти Кенгашга ёки тегишли тасдиқловчига янги таклифни тақдим этганда (агар Кенгаш тасдиқлаш ваколатига эга бўлса), у биринчи навбатда таклиф қилинган мижоз IPAM ишида ёки ундан олдинги ишда иштирокчи бўлганлигини аниқлайди ва ишни кўриб чиқиш маълумотлари ва натижалари Кенгаш ёки тегишли тасдиқловчи томонидан кўриб чиқиш учун сўровга киритилиши керак бўлса, бунга IPAM билан ойдинлик киритади.
 - ii. Рўйхатдан ўтгандан сўнг, агар сўровни кўриб чиқишнинг исталган босқичида 2.2(b)-бандида кўрсатилган мезонлар бажарилмаслиги ёки 2.2(c)-бандида кўрсатилган истиснолардан бирортаси мавжуд эмаслиги маълум бўлса, IPAM ишни тугатади.

2.3 Баҳолаш

а) **Мақсад.** Сўровни рўйхатдан ўтказиш ушбу 2.3-бандда тавсифланган баҳолаш жараёнини бошлайди. Ушбу босқичнинг мақсади – IPAMнинг:

- i. Сўровда қўйилган масалалар бўйича аниқ тушунчани ишлаб чиқиши;
- ii. Томонлар билан муаммоларни ҳал қилиш ва мувофиқлик функцияларини, уларнинг қўламини ва мумкин бўлган натижаларини муҳокама қилиши;
- iii. Функциялар орасида сўровчиларнинг афзалликларини ҳисобга олган ҳолда томонлар ҳар бир функцияда иштирок этишга тайёргилини баҳолаши;
- iv. 2.2(d) бандга мувофиқ, агар бўлса, бошқа шикоятларни ҳал қилиш ҳаракатларининг янгиланган ҳолатини кўриб чиқиши; ва
- v. Қуйидаги шартлар бажарилганда, аниқлик киритиш:
 - a. Иш сўровчилар ва мижоз (ва бошқа тегишли томон(лар)) келишуви асосида масалани ҳал қилиш учун юборилади; ёки
 - b. Муаммони ҳал этишни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилмаса, сўровчиларнинг бевосита илтимосига биноан иш мувофиқликни баҳолашга юборилади; ёки
 - c. Иш ёпилади.

Агар томонлар муаммоларни ҳал қилишда иштирок этишни хоҳласалар, агар IPAM бошқача қарор қилмаса, бу вазифа мувофиқликни баҳолаш учун иш тақдим этилиши кўриб чиқилгунга қадар амалга оширилади.

б) **Ёндашув.** IPAM ишни қуйидагича баҳолайди:

- i. Сўровнинг мазмунини, агар бўлса, сўровга киритилган ҳар қандай тасдиқловчи

ҳужжатларни ва ҳамма учун очиқ бўлган ҳар қандай маълумотларни кўриб чиқиш;

- ii. Банк раҳбарияти, мижоз ва/ёки сўровчилар томонидан тақдим этилган лойиҳага тааллуқли ёки алоқадор маълумотларни сўровчилар, лойиҳага дахлдор бўлган бошқа шахслар, Банк раҳбарияти, мижоз ва бошқа манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорлик орқали кўриб чиқиш; ва
- iii. Лойиҳа объектига ташриф буюриш, IPAM бунди самарали баҳолаш учун кераксиз деб ҳисоблаган истисно ҳолатлар бундан мустасно.

с) **Якуний натижа ва ҳисобот бериш.** Баҳолаш босқичини тугатгандан сўнг, IPAM баҳолаш жараёни натижаларини тавсифловчи баҳолаш ҳисоботини чиқаради ва қуйидагиларни амалга оширади:

- i. Агар IPAM ишни давом эттиришни тавсия қилса, уни Кенгаш ва Президентга маълумот учун тақдим этиш;

а) Агар томонлар муаммоларни ҳал қилишни давом эттиришга келишиб олган бўлса, баҳолаш ҳисоботида муаммони ҳал қилиш ташаббуси учун техник топшириқ илова қилинади, унда қўламини, қўлланилиши керак бўлган усуллар, ташаббусни амалга ошириш вақти, ўтказиш учун зарур бўлган экспертиза тури кўрсатилган. муаммони ҳал қилиш ва муаммони ҳал қилиш учун бошқа раҳбарлик тамойиллари кўрсатиб ўтилади. Имконият даражасида IPAM техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқишда томонлар билан маслаҳатлашади ёки

- ii. Агар IPAM ишни ёпишни тавсия қилса, ишни эътирозсиз ёпиш учун уни Кенгашнинг тасдиқлашига тақдим этади.

Ҳар бир ҳолатда IPAM сўровчиларга, Банк раҳбариятига ва мижозга баҳолаш ҳисоботи билан танишиш имкониятини беради ва уни ишлар реэстрида эълон қилади.

2.4 Муаммоларни ҳал қилиш

a) **Мақсад.** Муаммоларни ҳал қилишнинг мақсади:

- i. Томонлар ўртасидаги мулоқотга қўмаклашиш;
- ii. Сўровда кўрсатилган муаммоларни ҳал қилувчи, барча томонлар учун мақбул ечимларни излаш; ва
- iii. Томонлар ўртасида шартномалар тузилишига қўмаклашиш.

b) **Ёндашув.** Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишга қўмаклашиш мақсадида, IPAM:

- i. Муаммоларни ҳал қилиш учун энг тўғри ёндашувни аниқлаш мақсадида ишнинг барча ҳолатларини (шу жумладан кўтарилган муаммоларнинг табиати, уларнинг долзарблиги ва муваффақиятнинг оқилона эҳтимоли) ҳисобга олиш. ёндашувлар томонлар билан маслаҳатлашган ҳолда танланади ва қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: осонлаштирилган мулоқот, воситачилик, ярашув, ахборот алмашиш, биргаликда фактларни аниқлаш ёки музокараларни қўлаб-қувватлаш;
- ii. Харид қилиш қоидалари ва IPAM томонидан зарур деб топилган 3.1 (i)-бандга мувофиқ мулоқот жараёнини қўлаб-қувватлаш ва осонлаштириш учун ташқи маслаҳатчиларни жалб қилиш; ва
- iii. ЕТТБ сиёсатига ёки амалдаги қонунларга зид келадиган келишувларни тасдиқламаслик.

c) **Тугатиш.** Муаммони ҳал қилиш жараёни исталган вақтда тугатилиши мумкин:

- i. IPAM томонидан, агар IPAM фикрига қўра, томонлар билан маслаҳатлашгандан сўнг, муаммоларни ҳал қилиш энди ижобий натижага олиб келмаса ва/ёки муаммоларни ҳал қилиш жараёни

ресурслардан самарали фойдаланишни англатмаса, IPAM барча Томонларни ёзма равишда хабардор қилади; ёки

- ii. Ҳар қандай томон тарафидан; муаммоларни ҳал қилиш ихтиёрий жараён бўлиб, сўровчилар ва мижозлар исталган вақтда ундан воз кечишлари мумкин.

d) **Ҳисобот бериш.** IPAMнинг «Муаммоларни ҳал қилиш» босқичи тугагандан сўнг IPAM:

- i. Ташаббус натижаларини акс эттирувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича ҳисобот лойиҳасини тайёрлайди ва уни барча Томонлар учун маълумот учун тарқатади. Агар томонлар махфийлик чекловлари туфайли буни зарур деб ҳисобласа, муаммони ҳал қилишнинг қисқача тавсифи ошкор қилиш учун тайёрланади;
- ii. Муаммоларни ҳал қилиш бўйича якуний ҳисоботни ёки агар мавжуд бўлса, якуний масалани ҳал этиш тўғрисидаги ҳисоботни маълумот учун Кенгаш ва Президентга тақдим этади;
- iii. Томонларга муаммони ҳал қилиш бўйича якуний ҳисобот ёки хулосани тақдим этади; ва
- iv. Муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳисоботни (ёки агар махфийлик чекловлари тўлиқ қарор ҳисоботини нашр этишга тўсқинлик қилса, хулосани) иш реэстрига жойлаштирад.

e) **Якуний натижа.**

- i. Келишувга эришилган тақдирда, IPAM 2.5- бандга мувофиқ томонлар тарафидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади; ёки
- ii. Агар келишувга эришилмаса ёки 2.4(c)-бандига мувофиқ муддатидан олдин тугатишқарор қилинса, IPAM ишни ёпади; ёки

- iii. Ҳар қандай ҳолатда, сўровчиларнинг илтимосига биноан, IPAM ишни 2.6-бандга кўра мувофиқликни баҳолашга топширади; ва
- iv. Махфийлик чекловларига риоя қилган ҳолда, IPAM сўров, муаммони ҳал қилиш ташаббуси ёки унинг натижаларидан келиб чиқадиган институционал тажриба ва тегишли маслаҳатларни банк раҳбарияти ва/ёки Кенгаш билан ўртоқлашади.

2.5 Муаммоларни ҳал қилиш мониторинги

- a) **Мақсад.** IPAM муаммоларни ҳал қилиш орқали томонлар эришган ҳар қандай келишувларнинг бажарилишини назорат қилади.
- b) **Мезонлар.** Муаммони ҳал қилиш бўйича келишувлар, агар улар қуйидаги мезонларга жавоб берса, яқунланган ҳисобланади:
 - i. Бундай келишувларда томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятлар самарали амалга оширилса; ва
 - ii. Амалга ошириш муддатларига риоя қилинса.
- c) **Ёндашув.** Ўзининг мониторинг фаолиятида IPAM:
 - i. Сўровчилар, мижоз, Банк раҳбарияти ва бошқа манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашиш;
 - ii. Лойиҳа ҳужжатларини, сўровчилар (агар бўлса, уларнинг вакиллари) томонидан тақдим этилган ҳужжатларни, буюртмачи ва ҳамма учун очиқ бўлган маълумотларни кўриб чиқиш;
 - iii. IPAM томонидан зарур деб топилган лойиҳа объектига ташриф буюриш; ва
 - iv. IPAM томонидан зарур деб топилган муайян техник масалалар бўйича маслаҳатчиларни жалб қилиш. Маслаҳатчиларни жалб қилиш Харидлар қоидалари ва 3.1(i)-бандга мувофиқ амалга оширилади.

d) **Мониторинг ҳисоботи.** IPAM камида икки йилда бир марта мониторинг ҳисоботларини чиқаради:

- i. Ҳар бир очиқ иш учун IPAM мониторинги фаолиятини тавсифлаш; ва
- ii. IPAM муаммоларни ҳал қилиш бўйича тегишли келишувнинг тўлиқ бажарилишига эришилганлигини аниқламагунга қадар ҳар бир муаммони ҳал қилиш бўйича келишувни амалга ошириш ҳолати тўғрисида маълумотларни янгилаб туриш.

IPAM мониторинг ҳисоботи лойиҳасини кўздан кечириши учун томонларга тақдим этади ва мониторинг ҳисоботларини яқунлаш пайтида бундай изоҳларни кўриб чиқади. Мониторинг ҳисоботлари маълумот учун Кенгаш ва Президентга, сўровчиларга, банк раҳбариятига ва мижозга тақдим этилади ва ишлар реэстрида эълон қилинади. Зарурат туғилганда, IPAM қарорлар келишувларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни ҳар чораклик ҳисоботининг бир қисми сифатида ёки заруратга кўра Кенгашга маълум қилади. Мазкур ҳужжатнинг 2.5(b)-бандида таъкидланганидек, IPAM тегишли ҳал қилиш бўйича келишувга тўлиқ риоя қилинганлигини аниқлагандан сўнг назорат остидаги ишлар ёпилади.

2.6 Мувофиқликни баҳолаш

- a) **Мақсад.** Мувофиқликни баҳолашнинг мақсади сўровнинг мувофиқлик таҳлили учун мақбул ёки йўқлигини аниқлашдир.
- b) **Мезонлар.** Агар IPAM қуйидагича ҳисобласа, иш мувофиқлик таҳлили учун мақбул бўлади:
 - i. Олдиндан кўриб чиқиш натижаларига кўра, лойиҳа сўровчиларга (ёки бошқача бўлса, Лойиҳадан зарар кўрган кишиларга) бевосита ёки билвосита ва моддий зарар етказган ёки етказиши мумкин; ва
 - ii. Банк Экологик ва ижтимоий сиёсатнинг бирор қондасини (шу жумладан, Банкдан мижоз мажбуриятлари бажарилишини назорат қилишни талаб қиладиган ҳар қандай қондани);

ёки лойиҳа маъқумланган пайтда амалда бўлган Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг лойиҳага алоқадор қоидаларини бажармаган бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса; yoki loyiha ma'qullangan paytda amalda bo'lgan Axborotdan foydalanish siyosatining loyihaga aloqador qoidalarini bajarmagan bo'lishi mumkin bo'lgan holatlar mavjud bo'lsa.

Мувофиқликни баҳолаш жараёнида исталган вақтда Банк раҳбарияти мувофиқлик таҳлилини бошлашни тезлаштириш мақсадида мувофиқлик таҳлили учун мувофиқлик мезонлари бажарилишига рози бўлиши мумкин.

с) **Ёндашув.** IPAM ишни баҳолаш босқичида тўпланган ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек, ҳар қандай янги лойиҳага оид маълумотларни ва ҳамма учун очик бўлган маълумотларни кўриб чиқиш орқали баҳолайди. Ушбу босқичда IPAM шунингдек:

- i. So'rovchilar, Bank rahbariyati, mijoz va boshqa manfaatdor tomonlar bilan muhokama qiladi;
- ii. Ekologik va ijtimoiy siyosat yoki axborotdan foydalanish siyosatiga rioya etilishini ta'minlash bo'yicha Bank tomonidan ko'rilgan choralar ko'rsatilgan holda, agar IPAM tomonidan rahbariyat tomonidan so'ralgan bo'lsa, so'rovga Bank rahbariyatining yozma javobini ko'rib chiqadi; va
- iii. Agar mijoz javob yuborishga qaror qilgan bo'lsa, mijozning so'rovga yozma javobini ko'rib chiqadi.

д) **Якуний натижа ва ҳисобот бериш.** Мувофиқликни баҳолаш босқичи якунлангандан сўнг, IPAM ўз натижаларини тақдим этган ҳолда мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳисоботини тайёрлайди ва:

i. Агар у 2.6(b)-бандда кўрсатилган мезонларга мос келишини аниқлаган ҳолда мувофиқлик таҳлилини давом эттиришни тавсия қилса, уни Кенгаш ва Президентга маълумот учун тақдим этади. Мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳисобот сўровда кўтарилган масалалар асосида тайёрланган ва тегишли равишда текширишни амалга ошириш учун зарур бўлган экспертиза ҳажми, усуллари ва турини кўрсатган ҳолда, бундай мувофиқлик таҳлили шунингдек, мувофиқлик таҳлили бўйича бошқа кўрсатмалар учун техник топшириқ билан бирга тақдим этилади. Имконият даражасида IPAM техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқишда томонлар билан маслаҳатлашади ёки

ii. Агар IPAM 2.6(b)-бандидаги мезонлар бажарилмаганлигини аниқлагандан кейин ишни тугатишни тавсия қилса, уни эътирозсиз тасдиқлаш учун Кенгашга тақдим этади.

Ҳар бир кўрилаётган ишда IPAM сўровчиларга, Банк раҳбариятига ва мижозга мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳисобот билан танишиш имкониятини беради ва уни ишлар реэстрида эълон қилади.

2.7 Мувофиқлик таҳлили

а) **Мақсад.** Мувофиқлик таҳлилининг мақсади Банк ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан Экологик ва ижтимоий сиёсатга ёки маъқумланган лойиҳага нисбатан маълум лойиҳаларга тегишли Ахборотдан фойдаланиш сиёсати қоидаларига rioya қилмаганлигини аниқлашдан иборат. Агар IPAM Банк ҳеч қандай сиёсатга rioya қилмаган деган хулосага келса, IPAM ушбу 2.7-бандга мувофиқ Банкнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан боғлиқ тегишли ўзгаришларни тавсия қилади. Агар ЕТТБ талабларга жавоб бермаслиги аниқланса, ушбу босқичнинг кейинги мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- i. Банкнинг лойиҳа талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва номувофиқлик аниқланиши билан боғлиқ зарар ёки эҳтимолий зарарни бартараф этиш бўйича лойиҳа учун аниқ чора-тадбирларни тавсия этиш;
- ii. Кўриб чиқиладиган лойиҳада ҳам, бошқа лойиҳаларда ҳам жорий ва келажақдаги номувофиқлик ҳолатларининг олдини олиш учун ЕТТБ амалиётлари, ярийблари, йўриқномалари ёки тизимларига ўзгартиришлар киритишни тавсия этиш;
- iii. Институционал таълим ва салоҳиятни оширишга кўмаклашиш.

Мувофиқлик таҳлили мижознинг у ёки бу талабга мувофиқлиги ёки иш фаолиятини эмас, балки Банкнинг лойиҳага нисбатан Экологик ва ижтимоий сиёсатга ёки Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг алоҳида қоидаларига мувофиқлигини баҳолайди.

- b) **Мезонлар.** Агар IPAM ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли Банк Экологик ва ижтимоий сиёсатнинг бирон бир қоидасини (шу жумладан, Банкдан Мижознинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилишни талаб қиладиган ҳар қандай қоида) ёки маълум бир лойиҳага оид Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг лойиҳага нисбатан қоидалари бажармаганлигини аниқласа, Банк талабларга жавоб бермаган деб ҳисобланади.
- c) **Ёндашув.** Мувофиқлик таҳлили давомида IPAM 2.6(d)-банддаги техник топшириқлар асосида ишни кўриб чиқади. IPAM олдинги босқичларда тўпланган ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек, лойиҳа билан боғлиқ ҳар қандай янги маълумотни ёки ҳамма учун очиқ маълумотларни кўриб чиқади. Хусусан, IPAM мувофиқлик таҳлилининг бир қисми сифатида:
 - i. Сўровчилар, Банк раҳбарияти, мижоз ва бошқа манфаатдор томонлар билан муҳокама қилади;
 - ii. Лойиҳа объектларга тасгриф буюриш (IPAM самарали баҳолаш учун кераксиз

деб ҳисоблаган истисно ҳолатлардан ташқари); ва/ёки

- iii. IPAM томонидан зарур деб топилган муайян техник масалалар бўйича маслаҳатчиларни жалб қилиш. Маслаҳатчиларни жалб қилиш Харидлар қоидалари ва 3.1(i)-бандга мувофиқ амалга оширилади.

d) **Мувофиқлик таҳлили ҳисоботи.** Мувофиқлик таҳлили якунлангандан сўнг, IPAM ўз хулосаларини тақдим этган ҳолда мувофиқлик таҳлили ҳисоботини тайёрлайди. Агар IPAM лойиҳага нисбатан Банк Экологик ва ижтимоий сиёсатга ва/ёки Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг алоҳида қоидаларига мувофиқ эмаслигини аниқласа, мувофиқлик таҳлили ҳисоботида:

- i. Банкнинг номувофиқлик аниқланишига олиб келган муайян ҳаракатларини (ёки ҳаракатсизлигини) аниқланади; ва
- ii. Банк раҳбариятига аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар берилади:
 - a. а. Лойиҳа даражасида Банкни мувофиқлаштириш ва аниқланган номувофиқлик билан боғлиқ зарар ёки эҳтимолий зарарни бартараф этиш бўйича лойиҳа амалга ошириши керак бўлган ҳаракатларни аниқлаш; ва
 - b. Процессуал ва тизим даражасида Банкни мувофиқлаштириш ва сўровда кўрсатилган лойиҳага, шунингдек, бошқа лойиҳаларга нисбатан бундай ёки шунга ўхшаш вазиятларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун ЕТТБ амалиётлари, тартиблари, йўриқномалари ёки тизимларидаги ўзгаришларни аниқлаш.

IPAM тавсиялари Банкнинг ёки мижознинг лойиҳа билан боғлиқ олдинги мажбуриятларини ҳисобга олади ва Экологик ва ижтимоий сиёсатда аниқ кўзда тутилиши мумкин бўлган миқдордан ортиқ сўровчиларга компенсация тўлашни тавсия эта олмайди; ва

- iii. Раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси тайёрланиши ва тасдиқланишидан кейин бошланадиган Раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси мониторингини тавсифлаш.

Шундан сўнг IPAM мувофиқлик таҳлили ҳисоботини шарҳлар учун томонларга юборади ва мувофиқлик таҳлили ҳисоботини яқунлаш пайтида бундай изоҳларни кўриб чиқади.

2.7.1 Агар IPAM банкнинг талабларга жавоб бермаслигини аниқласа, амалга оширилиши керак бўлган жараён:

- a) **Раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш.** Агар номувофиқлик аниқланса, IPAM мувофиқлик таҳлили ҳисоботини жавоб сифатида раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини тайёрлаш учун Банк раҳбариятига юборади. Ҳар бир номувофиқлик ҳолати учун раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси қуйидагиларни белгилайди:
 - i. Мувофиқлик таҳлили ҳисоботининг тавсияларига мувофиқ, лойиҳани мувофиқлаштириш ва номувофиқлик аниқланиши билан боғлиқ бўлган зарарни ёки эҳтимолий зарарни бартараф этиш бўйича Банк томонидан муайян лойиҳа борасида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар;
 - ii. Банкни мувофиқлик таҳлили ҳисоботида тавсия этилган бундай ёки шунга ўхшаш вазиятларга (сўровда кўрсатилган лойиҳа ёки бошқа лойиҳалар учун) мослаштириш ва такрорланишининг олдини олиш учун ЕТТБ амалиётлари, тартиблари, йўриқномалари ёки тизимларидаги ўзгаришлар;
 - iii. Раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси мажбуриятларини бажариш учун амалга оширилиши керак бўлган ижро режаси ва жадвали; ва
 - iv. Раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини амалга ошириш учун зарур бўлган инсон ва молиявий ресурсларни баҳолаш.

- b) **Раҳбариятнинг жавоб чорасини ишлаб чиқиш.** Банк раҳбарияти, агар зарур деб топса, мувофиқлик таҳлили ҳисоботи натижалари бўйича раҳбариятнинг жавобини ҳам тайёрлаши мумкин.
- c) **Раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини ва раҳбариятнинг жавоб чорасини тарқатиш.** Банк раҳбарияти IPAMга раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси лойиҳасини (ва агар бўлса, раҳбариятнинг жавоб чорасини) тақдим этади. Қабул қилгандан сўнг, IPAM раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси лойиҳасини кўриб чиқиш ва шарҳлар учун сўровчиларга (ёки агар бўлса, уларнинг вакилларига) юборади ва маълумот учун мувофиқлик таҳлили ҳисоботини илова қилади.
- d) **Мувофиқлик таҳлили ҳисоботини яқунлаш.** Сўровчилар ёки вакиллардан раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси бўйича фикр-мулоҳазаларини олгандан сўнг, IPAM ҳужжатни яқунлашда сўровчилар ёки вакилларнинг мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, мувофиқлик таҳлили ҳисоботининг тавсияларини (лекин ҳулосаларни эмас) қайта кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади.
- e) **Раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини яқунлаш.** а) Сўровчилар ёки вакилларнинг раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазаларини (агар бўлса) ва б) мувофиқлик таҳлилининг якуний ҳисоботини олгандан сўнг, Банк раҳбарияти изоҳлар асосида раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини сўровчилар ва вакиллар изоҳларини шунингдек, таҳрир қилинган мувофиқлик таҳлили бўйича тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади.
- f) **Агар Банк томонидан мувофиқ эмас, деб топилса, мувофиқлик таҳлили ҳужжатларини тақдим этиш ва ошкор қилиш.** Лойиҳа талабларига номувофиқлик аниқлангандан сўнг, IPAM мувофиқлик таҳлили ҳисоботи

бўйича якуний ҳисоботни тақдим этади; раҳбариятнинг якуний ҳаракатлар режаси; Раҳбариятнинг жавоб чоралари (агар бўлса); ва Президент ва Кенгашга раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси лойиҳаси бўйича сўровчилар ёки вакилларнинг шарҳлари (агар бўлса). Раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси қарор қабул қилиш учун Кенгашга тақдим этилади; номувофиқликни аниқлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар Кенгашга маълумот учун тақдим этилади.

IPAM раҳбари Кенгашга, IPAM фикрича, раҳбариятнинг якуний ҳаракатлар режасида белгиланган мажбуриятлар мувофиқлик таҳлили ҳисоботи хулосалари ва тавсияларига мос келиш-келмаслиги ҳақида маслаҳат беради. Раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини умуман қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор Кенгаш томонидан а) раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси мувофиқлик таҳлили ҳисоботининг хулосалари ва тавсияларини етарли даражада акс эттириши ёки йўқлиги, б) лойиҳани Экологик ва ижтимоий сиёсатга ҳамда Ахборотдан фойдаланиш сиёсатининг лойиҳага хос қоидаларига мувофиқлаштиришга қодир ёки йўқлиги бўйича хулосаларга асосан қабул қилинади. Кенгаш раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини рад этса, у Банк раҳбариятига кўриб чиқиш учун қайтарилади ва тасдиқлаш учун Кенгашга қайта киритилади.

IPAM якуний мувофиқлик таҳлили ҳужжатларини (яъни, мувофиқлик таҳлили якуний ҳисоботи, раҳбариятнинг тасдиқланган ҳаракатлар режаси (агар бўлса), раҳбариятнинг жавоб чоралари ва сўровчилар ёки уларнинг вакилларининг бошқарув чора-тадбирлари лойиҳаси бўйича шарҳлари) томонларга тарқатади ва уларни ишлар реэстрида нашр этади.

2.7.2 Агар IPAM банкнинг талабларга мувофиқлигини аниқласа, амалга оширилиши керак бўлган жараён:

- а) **Агар Банк томонидан мувофиқ, деб топилса, мувофиқлик таҳлили ҳисоботини тақдим этиш ва ошкор қилиш.** Лойиҳа учун мувофиқлик аниқлагандан сўнг, IPAM мувофиқлик таҳлили якуний ҳисоботини маълумот учун Президент ва Кенгашга тақдим этади ва ишни ёпади. IPAM томонларга мувофиқлик таҳлили ҳисоботини тақдим этади ва уни ишлар реэстрида эълон қилади.

2.8 Раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси мониторинги

- а) **Мақсад.** IPAM мувофиқлик таҳлили ҳисоботида аниқланган номувофиқликлар контекстида тасдиқланган раҳбариятнинг ҳаракатлар режасининг бажарилишини назорат қилади.
- б) **Мезонлар.** Раҳбариятнинг ҳаракатлар режалари, агар улар қуйидаги мезонларга жавоб берса, якунланган ҳисобланади:
- i. Ижро режалари ва уларда белгиланган мажбуриятларнинг самарали бажарилиши; ва
 - ii. Амалга ошириш муддатларига риоя қилинса.
- с) **Ёндашув.** Ўзининг мониторинг фаолиятида IPAM:
- i. Сўровчилар, мижоз, Банк раҳбарияти ва бошқа манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашиш;
 - ii. Лойиҳа ҳужжатларини, сўровчилар (агар бўлса, уларнинг вакиллари) томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ва ҳамма учун очиқ бўлган маълумотларни кўриб чиқиш;
 - iii. Банк раҳбариятидан олинган мониторинг бўйича янгиланган маълумотларнинг таркибини кўриб чиқиш. Банк раҳбарияти ҳар икки йилда камида бир марта тасдиқланган раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини амалга ошириш ҳолати тўғрисида маълумотларни IPAMга бериб туриши шарт;

iv. IPAM томонидан зарур деб топилган лойиҳа объектига ташриф буюриш; ёки

v. IPAM томонидан зарур деб топилган муайян техник масалалар бўйича маслаҳатчиларни жалб қилиш. Маслаҳатчиларни жалб қилиш Харидлар қоидалари ва 3.1(i)-бандга мувофиқ амалга оширилади.

d) **Мониторинг ҳисоботи.** IPAM камида икки йилда бир мартақуйидаги мақсадларда мониторинг ҳисоботларини чиқаради:

i. Ҳар бир очиқ иш учун IPAM мониторинги фаолиятини тавсифлаш; ва

ii. IPAM раҳбариятнинг ҳаракатлар режасининг тўлиқ бажарилишига эришилганлигини аниқламагунча, аниқланган номувофиқликлар контекстида раҳбариятнинг ҳар бир ҳаракатлар режасини амалга ошириш бўйича янгиланган маълумотларни тақдим этиш.

Мониторинг ҳисоботлари маълумот учун Кенгаш ва Президентга, сўровчиларга, банк раҳбариятига ва мижозга тақдим этилади ва ишлар реэстрида эълон қилинади. Зарурат туғилганда, IPAM раҳбариятнинг ҳаракатлар режаларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни ҳар чораклик ҳисоботининг бир қисми сифатида ёки заруратга кўра Кенгашга маълум қилади.

IPAM ушбу ҳужжатнинг 2.8(b)-бандига мувофиқ раҳбариятнинг тегишли ҳаракатлар режаси тўлиқ бажарилишига эришилганлигини аниқлагач, ўша кўрилаётган ишлар ёпилади.

3. БОШҚА ҚОИДАЛАР

3.1 Алоҳида ишларни юритиш бўйича умумий қоидалар

- a) **Алоҳида ишлар бўйича маълумот алмашиш.** IPAM сўровчиларни (ёки агар бўлса, уларнинг вакимларини) сўровлар ҳолати тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади.
- b) **Ишлар реэстри.** IPAM ўз веб-сайтида ҳар бир рўйхатга олинган сўровнинг мазмуни ва ҳолати тўғрисида ички ва ташқи манфаатдор томонларга долзарб маълумотларни тақдим этувчи очиқ ишлар реэстрини юритади. Мазкур ишлар реэстрида сўров IPAM томонидан қабул қилинган сана, сўровда кўрсатилган лойиҳанинг номи ва жойлашуви, лойиҳани амалга оширувчи мижоз, агар махфийлик тўғрисида сўров бўлмаса, сўровчиларнинг (ва, агар бўлса, уларнинг вакимлари) шахси кўрсатилади. Ушбу сиёсатга мувофиқ иш доирасида яратилган барча ҳисоботлар ишлар реэстрида эълон қилинади.

IPAM ҳисоботлари ва ҳолатлар реэстрида маълумотларнинг махфийлик сабабли ошкор этилмаганлиги кўрсатилади.

- c) **Алоҳида ишларга ёндашув.** IPAM қуйидагиларга интилади:
- i. Ҳар бир ишнинг ҳар томонлама кўриб чиқишига зарар етказмасдан, ишларни иложи борида тезроқ юритиш ва
 - ii. Сўровчилар, Банк раҳбарияти, мижозлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш муҳимлигини тан олган ҳолда, барча томонларнинг кундалик фаолиятидаги хатоликларни минималлаштириш.
- d) **Алоқадор сўровлар.** Агар битта лойиҳа учун икки ёки ундан ортиқ сўровлар келиб тушган бўлса ва сўровлар мазмуни ўзаро боғлиқ бўлса, IPAM сўровчиларни хабардор қилади ва қуйидагиларни талаб қилиши мумкин:
- i. Бу сўровлар биргаликда кўриб чиқилади; ёки

- ii. Кейинги сўровларни кўриб чиқиш биринчи сўровни кўриб чиқиш тугагунига қадар тўхтатилади.

- e) **Ҳисобдорлик бўйича бошқа мустақил механизмлар (IAM) билан ҳамкорлик.** Агар рўйхатдан ўтган сўровда кўриб чиқиладиган лойиҳа бошқа субъектлар томонидан биргаликда молиялаштирилса, IPAM сўровни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида биргаликда молиялаштирувчи ташкилот(лар)нинг ҳисобдорлик механизм(лар)ини хабардор қилади ва уларга тегишли бошқарув гуруҳларини ўз лойиҳаларини баҳолаш ва/ёки лойиҳани амалга оширишда хабардор қилишни таклиф қилади. Зарурат бўлса, IPAM бошқа IAMларни биргаликда молиялаштирилмаган, лекин айтилган мамлакат ёки фаолият ҳудудларида жойлашган рўйхатдан ўтган сўровлар ҳақида хабардор қилиши мумкин.

Агар худди шундай сўров ёки шикоят худди шу лойиҳага нисбатан бошқа муассаса(лар)нинг ҳисобдорлик механизми(лар)ига тақдим этилса ва сўровлар мазмуни асосли боғлиқ бўлса, IPAM ушбу механизмлар билан ушбу сиёсат асосида ишларнинг самарали кўриб чиқиши, жараёнларнинг такрорланишига ва барча томонлар учун асоссиз узилишлар ёки безовталанишларга йўл қўймасликни таъминлаш учун изчил ҳамкорлик қилиши мумкин. IPAM қўшма ишларни юритиш жараёнида бошқа IAMлар билан ҳамкорлик қилганда, у қўшма сўровларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли протоколлар бўлишини, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган ҳолда) қуйидагиларни таъминлаши зарур: махфийликни талаб қилиш; сўровчи, мижоз ва банк тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви; қарши ҳаракатлар хавфини баҳолаш ва уларни юмшатиш чоралари; ва зарур ҳолларда, бошқа масалалар. Зарурат туғилганда, IPAM қўшма ишларни кўриб чиқиш учун биргаликда молиялаштирувчи муассаса(лар)нинг ҳисобдорлик механизм(лари) билан ёзма ҳамкорлик битимлари ёки ўзаро англашув меморандумларини тузади.

Агар сўров ёки шикоят фақат биргаликда молиялаштирувчи муассасага тақдим этилса, лекин у ЕТТБ мижозига алоқадор бўлса ва IPAM бу биргаликда молиялаштирувчи муассаса тўғрисида IAM томонидан хабардор қилинган бўлса, бундай ҳолатлар тўғрисида ҳаммага очиқ маълумотлар пайдо бўлиши биланок IPAM бу ҳақда Банк раҳбариятини ва зарур ҳолларда, Кенгашни хабардор қилади.

- f) **Ахборотдан фойдаланиш.** Кўриладиган ишлар билан боғлиқ ҳолда, IPAM ходимлари Банкнинг тегишли ходимларига ва барча лойиҳа файлларидан (шу жумладан электрон ва қоғоз ҳужжатлар) тўлиқ ва бевосита фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар, бунда улар ҳужжат жавонлари ва бошқа омборлардан фойдаланишлари мумкин.

Банк раҳбарияти ва банк раҳбариятида ишлайдиган маслаҳатчилар IPAM ходимлари билан тўлиқ ҳамкорлик қилишлари шарт.

IPAMга ўз фаолияти давомида тўпланган маълумотларни ошкор қилиш Ахборотга фойдаланиш сиёсати ва махфий маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича ҳар қандай бошқа талабларга мувофиқ бўлади.

Керак ҳолларда ва бошқа манбалардан топишнинг имкони бўлмаса, IPAM одатда тегишли томонлар билан маслаҳатлашганидан сўнг оммавий бўлмаган маълумотларни олиш учун мурожаат қилиши мумкин.

- g) **Шартнома мажбуриятлари.** Банк ва мижозлар ўртасидаги молиялаштириш шартномалари мижозларга банкнинг асосли сўрови ва амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ иш юзасидан IPAMга лойиҳа билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилиш талабларини ўз ичига олади.
- h) **Манфаатлар тўқнашуви.** IPAM ходимлари ва IPAM томонидан ёлланган маслаҳатчилар холис ва мустақил ҳаракат қилишлари зарур бўлади.

Иш бўйича манфаатлар тўқнашуви бўлган IPAM ходими ёки IPAMда ишловчи маслаҳатчи дарҳол IPAM раҳбарини хабардор қилиши ва кўрилатган ишни юритишдан воз кечиши лозим.

Агар у иш бўйича IPAM раҳбарида манфаатлар тўқнашуви бўлса, у дарҳол Кенгашга хабар беради, ишдан воз кечади ва иш бўйича ўз вазифаларини бажариш учун IPAM ходимини тайинлайди.

- i) **Маслаҳатчилар.** IPAM томонидан ёлланган маслаҳатчилар IPAM функцияларини бажаришда ўзларининг шахсий мақомида ҳаракат қиладилар ва Банк номидан экспертлар каби имтиёз ва иммунитетлардан, Ахлоқ кодексининг тегишли қоидаларидан, манфаатлар тўқнашуви қоидаларидан ва махфийлик қоидаларидан фойдаланадилар. Маслаҳатчилар IPAM раҳбари қўл остида ишлайди.

- j) **Сўровларнинг банк лойиҳалари ва фавқулодда чораларга таъсири.** Сўровни рўйхатдан ўтказиш ўз-ўзидан Банкнинг Лойиҳадаги иштирокини тўхтатиб қўйишга олиб келмайди. Бироқ агар сўровни кўриб чиқиш жараёнида исталган вақтда IPAM лойиҳанинг банк томонидан қайта кўриб чиқилиши ёки Лойиҳа бўйича тўловлар жиддий ва тузатиб бўлмайдиган зарарга олиб келиши мумкин деб ҳисобласа, IPAM Банк томонидан тузатиш чоралари, шу жумладан лойиҳани банк томонидан қайта кўриб чиқиш ёки тўловларни тўхтатиб туриш учун вақтинчалик тавсиялар бериши мумкин. Тавсия бўйича қарор ЕТТБнинг Директорлар кенгаши ёки Кенгаш лойиҳани тасдиқлаш ваколатини берган бошқа ваколатли органи томонидан қабул қилинади. Кенгаш ёки ЕТТБ Кенгаши томонидан лойиҳани тасдиқлаш ваколати берилган бошқа ваколатли органи амалдаги қонунлар ва қоидаларни ҳамда мавжуд шартномавий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда Банк бундай тавсия этилган чораларни кўриш ҳуқуқига эга ёки йўқлигини кўриб чиқади. IPAM тавсиялари ва якуний қарор ишлар реестрида эълон қилинади.

- к) **Қарши ҳаракатларга алоқадор масалаларга ёндашув.** IPAM сўровчиларга ёки IPAM жараёнига жалб қилинган ёки бошқа ҳар қандай шахсга нисбатан, улар ўз хавотирларини билдириш ҳуқуқидан фойдаланганлиги сабабли, уларга қарши ҳаракатларга тоқат қилмайди ва таҳдид, қўрқитиш, таъқиб қилиш, зўравонлик ёки камситишнинг ҳар қандай шаклини рад этади.

IPAM қуйидагилар учун чоралар кўриш мажбуриятини олади а) IPAM жараёнларида иштирок этаётган шахсларга нисбатан қарши ҳаракатлар хавфини баҳолаш ва б) сўровчилар (агар бўлса, уларнинг вакиллари) IPAMга қарши чоралар хавфи ҳақида маълум қилганда, сўровчилар (агар бўлса, уларнинг вакиллари) билан маслаҳатлашган ҳолда, сўровлар ёки тарғибот тадбирлари билан боғлиқ равишда қарши ҳаракатлар хавфини камайтириш чораларини кўриш. Бундай ҳолларда, IPAM сўров жараёнининг бир қисми сифатида сўровчиларга ёки IPAM жараёнига жалб қилинган бошқаларга нисбатан хавф муҳити ва эҳтимолий ёки ҳақиқий қарши ҳаракатлар хавфини текширишни бошлайди ва тегишли чораларни кўришни кўриб чиқади.

IPAM бундай вазиятларда жамоатчиликни ҳимоя қилиш вазифаси бўлган миллий ёки халқаро суд тизимини, хавфсизлик хизматларини ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини амалга оширишга даъвогарлик қилмайди.

- л) **Молиявий манфаатдорликни йўқотиш.** Тўлиқ тўлов, олдиндан тўлов, сотиш ёки бошқа ҳаракатлар сабабли ишни кўриб чиқиш жараёнида Банк тегишли лойиҳада молиявий манфаатдорликни тўхтатса, IPAM қуйидагиларни давом эттиради:

- і. Мувофиқликни баҳолаш ёки мувофиқлик таҳлили вақтида 2.6–2.7-бандларга мувофиқ Банкнинг талабларга мувофиқлигини баҳолаш. Бироқ мувофиқлик таҳлили ҳисоботида баён этилган IPAM тавсиялари ва кейинги ҳар қандай раҳбариятнинг ҳаракатлар режасида таклиф қилинган

Банкнинг мажбуриятлари мижоз билан муносабатларни тугатишни кўриб чиқиши мумкин; ёки

- іі. Муаммони ҳал қилиш жараёнида, 2.4-бандга мувофиқ томонлар ўртасидаги мулоқотга кўмаклашиш, қуйидаги сабабларга кўра ташаббус тўхтатилмаган бўлса: і) томонлардан бири муаммони ҳал қилиш ташаббусидан воз кечганлиги сабабли ёки іі) 2.4с-бандда белгиланганидек, IPAM ижобий натижага олиб келмаслиги сабабли;
- ііі. Раҳбариятнинг ҳаракатлар режасини ёки муаммоларни ҳал қилиш бўйича келишувни мониторинг қилишда, 2.5 ва 2.8-бандларга мувофиқ раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси ёки муаммоларни ҳал қилиш келишувини назорат қилиш. Шу билан бирга, IPAM 2.5 ва 2.8-бандлардаги мезонларга мувофиқ раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси ёки муаммоларни ҳал қилиш келишуви амалга оширилганлигини кўриб чиқишда мижоз билан муносабатларнинг тугатилишини ҳисобга олади.

- м) **Молиявий манфаатдорликнинг йўқлиги.** Агар сўров топширилган вақтда тўлиқ тўлов, олдиндан тўлов, сотиш ёки бошқа сабабларга кўра Банк тегишли лойиҳада молиявий манфаатдорликка эга бўлмаса, иш тўғридан-тўғри мувофиқликка юборилади ва муаммони ҳал қилиш учун тегишли деб ҳисобланмайди. Агар бу иш мувофиқлик таҳлили учун яроқли деб топилса, IPAMнинг мувофиқлик таҳлили ҳисоботидаги тавсиялари ва раҳбариятнинг кейинги ҳар қандай ҳаракатлар режасидаги Банк мажбуриятлари мижоз билан муносабатларни тўхтатишни кўриб чиқиши мумкин.

- н) **Муддатлар.** IPAM сўровни олгандан кейин ишни қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган муддатларда кўриб чиқишга ҳаракат қилади.

Босқич	Асосий фаолиятлар
Тўлов чиптасини талаб қилиш	• <i>Сўровнинг қабул қилинганлигини тасдиқлаш:</i> имкон қадар тез ва олинган кундан бошлаб 10 иш куни ичида.
Рўйхатдан ўтиш	• <i>Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор:</i> сўров тасдиқланган кундан бошлаб 21 иш куни ичида. - о Агар сўровни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун IPAM сўровчиларидан қўшимча маълумот талаб этилса, сўровчилар IPAM сўрови олинган кундан бошлаб 15 иш куни ичида керакли маълумотларни тақдим этадилар. - о Агар сўров тўхтатилиб, 2.2 (f) бандга мувофиқ рўйхатдан ўтказилмасдан туриб, масалани ҳал қилиш учун Банкнинг тегишли бўлимига юборилган бўлса, виждонан саъй-ҳаракатлар асосида IPAM тўхтатиб туришни бекор қилишни кўриб чиқмасидан олдин экологик, ижтимоий муаммоларни ёки сўровда кўтарилган маълумотларни оммага ошкор қилиш масалаларини ҳал қилиш учун Банк раҳбариятига кўпи билан 45 иш куни (IPAM ихтиёрига кўра) берилади.
Баҳолаш	• <i>Баҳолашни яқунлаш ва аудит қўмитаси орқали баҳолаш ҳисоботини Директорлар Кенгашига тақдим этиш:</i> сўров рўйхатга олинган кундан бошлаб 40 иш куни ичида.
Муаммоларни ҳал қилиш	• <i>Муаммоларни ҳал қилиш жараёнини яқунлаш:</i> муаммоларнинг табиати, мураккаблиги ва кўламига, шунингдек, томонларнинг иштироки ва ташаббус давомида ечимлар каби бошқа омилларга қараб фарқланиши мумкин. Муаммоларни ҳал қилиш жадвали сўровчилар, буюртмачи ва ташаббуснинг бошқа томонлари тарафидан биргаликда белгиланади. Муаммони ҳал қилиш томонлар уни давом эттириш бўйича келишувга эришган пайтдан бошлаб 1 (бир) йил ичида яқунланиши кутилади; бироқ жараённинг давомийлиги томонлар ва IPAM келишуви билан узайтирилиши мумкин. • Сўровчилар, мижозлар ва бошқа муаммоларни ҳал қилувчи томонлар IPAM муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳисобот лойиҳасини тарқатгандан сўнг уни нашр этиш мумкинлигини тасдиқлаш ёки махфийлик чекловлари бўйича изоҳ бериш учун муддати 10 иш кунини ташкил қилади.
Мувофиқликни баҳолаш	• Агар IPAM ишни ёпишни тавсия қилса – <i>мувофиқликни баҳолашни яқунлаш ва аудит қўмитаси орқали мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳисоботни Кенгашга тақдим этиш:</i> IPAM мувофиқликни баҳолашни бошлаган кундан бошлаб 60 иш куни ичида. • Агар IPAM мувофиқликни баҳолашни давом эттиришни тавсия қилса – <i>мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳисоботни яқунлаш ва техник топшириқларни Томонлар ўртасида тақсимлаш:</i> IPAM мувофиқликни баҳолашни бошлаган кундан бошлаб 60 иш куни ичида. - о Тегишли ҳолларда, Банк раҳбариятига IPAM сўрови юборилган кундан бошлаб 21 иш куни ичида сўровга ёзма жавоб бериш имконияти берилади. - о Сўровчилар, Банк раҳбарияти ва мижозлар IPAM тарқатилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида, агар зарурат бўлса, мувофиқлик бўйича техник топшириқ лойиҳаси бўйича фикр билдиришлари мумкин.

Босқич	Асосий фаолиятлар
Мувофиқлик таҳлили	• <i>Мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳисоботи лойиҳасини якунлаш:</i> мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳисобот чоп этилгандан кейин 140 иш куни ичида. • Сўровчилар (ёки уларнинг вакилари (агар бўлса) ва Банк раҳбарияти IPAM тарқатилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида мувофиқлик таҳлили ҳисоботи лойиҳасига изоҳ беришлари мумкин. • <i>IPAM номувофиқ деб топган ҳолатда:</i> - о Банк раҳбарияти мувофиқлик таҳлили ҳисоботи лойиҳасини олган кундан бошлаб 30 иш куни ичида раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси ва раҳбариятнинг жавоб чоралари лойиҳасини, (агар бўлса) IPAMга тақдим этиши мумкин. - о Сўровчилар (ёки уларнинг вакилари (агар бўлса)) IPAM тарқатилган кундан бошлаб 20 иш куни ичида раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини тақдим этишлари мумкин. - о IPAM раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси лойиҳаси бўйича сўровчининг (ёки вакилнинг) изоҳларини олгандан кейин мувофиқлик таҳлили ҳисоботини якунлаш учун 10 иш куни берилади. - о Мувофиқлик таҳлили якуний ҳисоботи ва сўровчилардан (ёки вакилардан) изоҳлар олинган кундан бошлаб раҳбариятга Бошқарув Ҳаракат режасини якунлаш учун 15 иш куни берилади.
Мониторинг	• <i>Мониторинг ҳисоботларини чиқариш:</i> IPAM 2.5 ва 2.8-бандларда кўрсатилганидек, тегишли масалаларни ҳал қилиш бўйича келишув ёки раҳбариятнинг ҳаракатлар режасининг тўлиқ бажарилишига эришилганлигини аниқлашга қадар камида икки йилда бир марта. - о Банк раҳбариятига IPAM сўрови юборилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида раҳбариятнинг ҳаракатлар режасининг бажарилиши юзасидан мониторинг ҳисоботларини тақдим этиши керак. - о Томонлар IPAM тарқатилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида муаммоларни ҳал қилиш мониторинги ҳисоботларининг лойиҳалари бўйича фикр билдиришлари мумкин.

о) **Муддатни узайтириш.**

i. **Таржимага қўйиладиган талаблар.**

Ишни юритишда инглиз тили асосий тил бўлмаган ҳолларда ишлаш таржима зарурати туфайли қўшимча жавоб вақтини талаб қилади. Ишни кўриб чиқишнинг ҳар бир босқичи учун кўрсатилган иш кунлари сони ҳар қандай талаб қилинадиган таржималарни таъминлаш ва қабул қилиш учун зарур бўлган иш кунларини ўз ичига олмайди. IPAM таржима учун зарур бўлган кечикишлар тўғрисида сўровчиларни (ёки уларнинг вакиларини (бор бўлса) дарҳол хабардор қилади.

ii. **Истисно ҳолатлар.** Алоҳида ишларнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ушбу Сиёсатда кўрсатилган муддат IPAM томонидан сўровлар ва/ёки ишларнинг тўлиқ ва тўғри кўриб чиқишларини таъминлаш учун IPAM томонидан аниқланган ёки томонлар сўрови бўйича қатъий зарур бўлган вақтга узайтирилиши мумкин. Муддатни узайтириш заруриятини кўриб чиқишда IPAM қуйидаги омилларни ҳисобга олади, жумладан (лекин улар билан чекланмайди): сўровчилар томонидан аниқланган ҳар

қандай салоҳият муаммолари; лойиҳа объектининг жойлашуви; томонлар ишни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этишининг муҳимлиги, шу жумладан IPAM ҳисоботлари бўйича шарҳлар бериш; қарши ҳаракатлар хавфини баҳолаш ва қарши ҳаракатлар хавфини камайтириш чораларини кўриш; лойиҳа ва иш билан боғлиқ фавқулодда масалалар; IPAM ходимларининг ишга таёрилиги; 3.2-бандда кўрсатилган фойдаланиш имконияти ёки жойлашув чораларини амалга ошириш; ва 3.1(d) бандига мувофиқ тегишли сўровларни кўриб чиқиш. IPAM муддатни ҳар қандай узайтириш тўғрисида ишга алоқадор томонларни дарҳол хабардор қилади ва бу муддатни шлар реэстрига ёзиб қўяди. Узайитилган муддат аниқ кўрсатилиши ва агар у келгусида янгиланадиган бўлса, барча Томонлар хабардор қилиниши лозим.

3.2 Тарғибот-ташвиқот ишлари ва тренинглари

- a) **Тарғибот ваколатлари.** IPAMнинг ўз ваколатларини бажариш салоҳияти унинг манфаатдор томонлар билан самарали мулоқот қилиш салоҳиятига боғлиқ. IPAM ушбу Сиёсат ва IPAM мақсадлари, функциялари ва фаолиятини яхшироқ тушунишга ёрдам бериш учун ички ва ташқи манфаатдор томонларга тушунтириш ишларини олиб бориши зарур. Шу мақсадда IPAM ахборот-тарғибот дастурини ишлаб чиқади. Бундай саъй-ҳаракатлар, зарур ҳолларда, бошқа муассасаларнинг ҳисобдорлик механизмлари билан ҳамкорликни ўз ичига олади.
- b) **Фойдаланишга қўйилган тўсиқларни енгиллаштириш.** IPAM манфаатдор томонларнинг IPAMга киришига, ишларда иштирок этишига ёки тарғибот ташаббусларида иштирок этишга тўсиқлик қилувчи чекловларга қарши чоралар кўришга интилади. IPAM ЕТББ ҳудудлари ёки фаолият юритаётган мамлакатларидаги ҳимояга муҳтож кишилар ёки гуруҳлар билан ҳамкорлик қилишга ва манфаатдор томонларнинг фойдаланиш имкониятларини самарали ва тежамкорлик билан оширишга интилади.

- c) **Ўзаро таъсир материаллари орқали фойдаланиш имконияти.** IPAM ички ва ташқи манфаатдор томонларнинг IPAM ваколати, сиёсати, функциялари ва фаолияти тўғрисида тушунчасини яхшилаш учун бир қатор материалларни ишлаб чиқади, нашр этади ва тарқатади. Имкони бўлса, IPAM лойиҳадан зарар кўрган кишилар учун бундай материалларни ишлаб чиқиш бўйича ташқи томонлар билан маслаҳатлашади. IPAM шунингдек, интерактив веб-сайтга эга бўлади ва у орқали унинг фаолиятига оид маълумотлар ва материаллар тарқатилади. IPAM ўзининг бош қароргоҳи ва доимий офислари ходимларини IPAM маълумотларини Банкнинг бошқа тадбирлари ва нашрлари билан бирлаштиришга ундайди. Банк ходимлари IPAMнинг ўз ваколатлари ва функцияларини илгари суриш бўйича саъй-ҳаракатларини қўлаб-қувватлашга рағбатлантирилади.

- d) **Тил орқали фойдаланиш имконияти.** IPAM ўз ҳисоботлари ва фаолиятини ички ва ташқи манфаатдор томонларга самарали етказиш ва ошқор қилиш мажбуриятини олади. Инглиз тили IPAMнинг ишчи тили бўлсада, IPAM ундан фойдаланиш имкониятини яратиш ва қўлаб-қувватлаш учун, зарур ҳолларда, тегишли маҳаллий тилларда ҳисоботлар ва алоқа материалларини тақдим этишга ҳаракат қилади.

Ушбу сиёсат инглиз, рус ва араб тиларида тақдим этилади ва босқичма-босқич ЕТББ мамлакатлари ёки фаолият соҳаларининг бошқа расмий тилларига таржима қилинади.

Агар IPAM кўраётган ишга алоқадор томон ёки манфаатдор томонлар гуруҳи тарғибот фаолияти давомида инглиз тилини билмаса, IPAM таржима ва таржимон хизматлари орқали тегишли маҳаллий тилда мулоқотни тақдир қилишга ҳаракат қилади. Тизимга киришда тилга алоқадор тўсиқларини камайтириш учун:

- i. Сўров ЕТББ мамлакати ёки фаолият юритаётган ҳудудининг исталган расмий тилида ёки ЕТББнинг исталган расмий тиларида (масалан, инглиз, рус, француз ёки немис) топширилиши мумкин;

- ii. IPAMнинг сўровчилар (ёки уларнинг вакилари (агар бўлса)) билан ёзишмалари инглиз тилида, агар бу томонлар инглиз тилини билмаса, сўровда қўманиладиган тилда ҳам бўла олади;²
- iii. Қўрилатган ишга оид учрашувлар ва тарғибот тадбирлари сўров бўйича ва керак бўлганда, тегишли маҳаллий тиларда таржимонлик хизматларини таклиф қилади;
- iv. Агар сўров берувчилар (ёки уларнинг вакилари (агар бўлса)) инглиз тилини билмаса, IPAM ишига оид ҳисоботлар сўровда ишлатиладиган тилга таржима қилинади; ва
- v. Ахборот-тарғибот материалари инглиз, рус ва араб тиларида бўлиб, босқичма-босқич ЕТТБ мамлакатлари ёки фаолият соҳаларининг бошқа расмий тиларига, шунингдек зарур бўлганда қўшимча тиларга таржима қилинади.

- e) **Тренинглар.** IPAM Банк ходимлари ва ташқи манфаатдор томонларга ушбу Сиёсатни амалга ошириш бўйича таълим ва хабардорлик хизматларини тақдим этади. Тренинг ташаббуслари бевосита фикр-мулоҳазалар ва амалий тадқиқотлар асосида аниқланган тренинг ёки салоҳиятни ошириш эҳтиёжларига мослаштирилади.
- f) **Институционал таълим.** Институционал таълимни рағбатлантириш ва ЕТТБ лойиҳаси раҳбариятнинг ҳаракатлар режаси мажбуриятларини интеграция қилиш мақсадида IPAM мунтазам равишда олинган тажрибалар билан ўртоқлашади ва амалий тадқиқотлар натижасида олинган ғоялар, тажрибалар ва тушунчалар асосида Банк раҳбариятига тавсиялар беради. IPAM бўйича кўрсатмалар ва олинган тажрибалар умумий ва ўзаро боғлиқ муаммоларни аниқлайди, конструктив маслаҳатлар беради ва ЕТТБда узлуксиз таълим маданиятини ривожлантиради. Бундай маълумотлар тизимли тўпланиши учун тегишли тарзда тарқатилади.

Агар қуйидаги мезонларнинг барчасига амал қилинса, IPAM олинган тажрибалар ва тегишли тавсияларни Банк раҳбарияти билан баҳам кўради:

- i. олинган бундай тажрибалар IPAMнинг муаммоларни ҳал қилиш ёки ЕТТБнинг экологик ва ижтимоий сиёсати ёки лойиҳага оид ахборотдан фойдаланиш сиёсати қоидаларини кўриб чиқиш ваколати билан бевосита боғлиқ; ва
- ii. Бундай ўрганилган тажрибалар IPAM Сасеворк тизими ёрдамида аниқланиши мумкин бўлган муҳим ёки алоҳида муаммолар ёки тенденциялар билан боғлиқ.

Институционал таълим ташаббуслари IPAM ихтиёрида бўлади. IPAM сазъ-ҳаракатларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун Банк раҳбарияти, шу жумладан аудит ва баҳолаш бўлимларини тегишли равишда хабардор қилади. IPAM қуйидаги тарзда асосий ўрганилган тажрибалар ва тегишли тавсиялар ҳақида ҳисобот беради:

- a. VIII бўлимда кўрсатилгандек, йиллик ҳисоботда ёзма равишда ва тегишли равишда бошқа маълумот материаларида ошкор қилинган тарзда;
- b. Семинарлар ва Банк раҳбарияти билан бевосита ҳамкорлик қилишнинг бошқа усуллари орқали;
- c. IPAM томонидан зарур деб топилган ЕТТБ сиёсатлари ёки мамлакат ва тармоқ стратегиялари лойиҳалари бўйича расмий изоҳларни тақдим этиш орқали; ва
- d. Кенгашга йиллик ҳисоботини тақдим этиш вақтида ёки керак бўлганда.

IPAM институционал таълим бўйича IPAM тавсияларига жавобан Банк томонидан киритилган ўзгаришларни ҳужжатлаштириш учун Банк раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш мумкин.

² Ҳар қандай ҳужжатнинг инглиз тилидаги матни ва бошқа тилдаги ёзишмалар ёки ҳужжат матни ўртасида номувофиқлик юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги нусхаси устувор мазмунга эга бўлади.

3.3 Институционал ва маъмурий қоидалар

а) IPAM раҳбари.

i. IPAM раҳбарининг масъулиятлари.

IPAM раҳбари IPAMни бошқариш, ушбу Сиёсатни амалга ошириш ва ушбу Сиёсатга мувофиқ IPAM масъулияти бўлган қарорлар қабул қилиш учун масъул ҳисобланади. IPAM раҳбари бевосита Кенгашга ҳисобот беради; IPAM раҳбари Банк бошқарувининг аъзоси эмас ва унга бўйсунмайди.

ii. IPAM раҳбари учун зарур шартлар.

IPAM раҳбари IPAM раҳбари этиб тайинланишидан олдин камида 5 йил давомида ЕТТБда бирон-бир лавозимда (масалан, операцион директор, директор, директор ўринбосари ёки директор маслаҳатчиси сифатида) ишлаҳан бўлмаслиги зарур. ЕТТБ маслаҳатчилари ЕТТБ билан тузилган шартномалари тугаганидан кейин камида уч йил ўтгунга қадар IPAM раҳбари сифатида ишлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

iii. IPAM раҳбарини танлаш ва тайинлаш.

IPAM раҳбари аудит қўмитаси раиси ва унинг ўринбосари, Банк раҳбариятининг икки аъзоси ва иккита ташқи манфаатдор томонлар ҳисобланувчи Банкнинг ички ва ташқи аъзоларидан иборат жами олти аъзодан иборат танлов комиссияси томонидан сайланади. Бу аъзолардан масъулиятлилик ва ижтимоий ёки экологик соҳаларда тажрибага эгалик, ҳаломик ва мустақилликни намоён эта олиш, партиялар ва фуқаролик жамияти билан самарали ҳамкорлик қилиш қобилияти ҳамда банк ёки шунга ўхшаш муассасаларда иш тажрибасига эга бўлиш талаб этилади.

Танлов комиссиясига аудит қўмитаси раиси раислик қилади, ЕТТБ Инсон ресурслари департаменти эса барча маъмурий жараёнларни бошқаради. Кадрлар бўлими, танлов комиссияси билан келишилган ҳолда, пухта қидирув ўтказиш ва номзодлар рўйхатини тайёрлаш учун

тегишли ижрочи қидирув фирмасини тайинлайди. Кейинроқ, танлов комиссияси номзодларнинг якуний рўйхатини кўриб чиқади, номзодлар билан техник кўриklar ва суҳбатлар ўтказади ва кўпчилик овоз билан номзодни таклиф қилади. Танлов жараёни тугагандан сўнг,

танлов комиссияси Президентга IPAM раҳбарини ишга олишни тавсия қилади. Танлов жараёни тугагунга қадар таклиф қилинган номзоднинг аудит қўмитаси олдида эшитуви ташкил этилади. Кейин Президент Кенгашга тасдиқлаш учун расмий тавсиянома беришдан олдин ижроия мажлисида Кенгаш билан маслаҳатлашади IPAM раҳбари мақому юқори даражали бўлиши керак, бу эса Механизмнинг муассасадаги роли ва IPAM раҳбарининг ишларни бошқариш жараёнида масъулиятини аниқ акс эттиради.

iv. IPAM раҳбарининг ваколат муддати. IPAM раҳбари дастлабки муддатга тўрт йилгача тайинланади, бир марта янгиланиши мумкин, ҳар қандай янгиланиш тўрт йилгача бўлиши мумкин. Муддат(лар) тугагач ёки лавозимидан четлатилгандан сўнг, IPAM раҳбари ЕТТБ учун ҳақ тўланадиган хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

v. IPAM раҳбарининг ҳақ тўлаш. Аудит қўмитаси IPAM раҳбарига таклиф қилинадиган компенсация пакетини кўриб чиқади ва Президентга ушбу жиҳатлар бўйича ўз тавсияларини беради. IPAM раҳбари иш натижаларига кўра компенсация олиш ҳуқуқига эга эмас.

Вице-Президентлар Кенгаши томонидан тасдиқланган бир хил йиллик иш ҳақиға тузатишлар, агар Кенгаш бошқача қарор қабул қилмаса, IPAM ижрозининг иш ҳақиға нисбатан қўманилади. Аудит қўмитаси раиси, раис ўринбосари билан келишилган ҳолда, ҳар йили IPAM бошлиғининг фаолиятини баҳолашни ўтказади, у банк ходимларини баҳолаш билан бир хил муддатда якунланиши зарур.

vi. **IPAM раҳбарини ишдан олиш.** IPAM раҳбарининг ваколат муддати давомида уларни узрли сабабларга кўра четлаштириш тўғрисидаги ҳар қандай қарор Кенгаш томонидан тасдиқланиши керак. Бундай қарор аудит қўмитаси томонидан тайёрланган бўлиб, Президент томонидан Бошқарувга тақдим этиладиган ҳисобот асосида қабул қилинади. Қўшимча ҳужжатда Президент аудит қўмитаси томонидан тавсия этилган ҳаракатлар йўлидан норозилигини билдириши мумкин. IPAM раҳбари фақат ходимлар билан бир хил асосларда ишдан бўшатилиши мумкин. Директорлар кенгаши томонидан IPAM раҳбарини ишдан бўшатиш тўғрисида қабул қилинган қарор, апелляция тартиби ва иш юритиш қоидаларига мувофиқ, тўғридан-тўғри ЕТТБ Маъмурий судига шикоят қилиниши керак бўлган маъмурий қарор ҳисобланади.

vii. **IPAM раҳбарининг янгиланиши.** Биринчи муддат тугашига камида олти ой қолганда, IPAM раҳбари улар иккинчи муддатга сайланишдан манфаатдор ёки йўқлигини ёзма равишда Кенгашга маълум қилади. Бундай ҳолда, Президент ижроия йиғилишида Кенгаш билан маслаҳатлашади ва кейин Кенгашга тасдиқлаш учун тавсиянома беради. Агар IPAM раҳбари раҳбарлик ваколатини узайтирилишдан манфаатдор бўлмаса ёки узайтириш тасдиқланмаса, бўш иш ўринлари ҳақида эълон қилинади ва 3.3(a) iii-бандда кўрсатилганидек, танлов жараёни бошланади.

b) **Буджет.** IPAM раҳбари йиллик бюджетни (шу жумладан ҳар қандай захира фондларини) тузади, бу IPAM ушбу Сиёсатда белгиланган барча функциялар, масъулият ва тадбирларни самарали амалга оширишини таъминлаш учун ресурсларнинг етарли даражасини белгилайди. IPAM раҳбари IPAM бўлими ичида ресурсларни тақсимлашни аниқлаш учун жавобгар бўлади.

IPAM бюджети Банкнинг умумий бюджети билан бир вақтда, лекин алоҳида қарор сифатида эътирозларсиз Кенгаш тасдиқлашига тақдим этилади.

c) **IPAM ходимлари.** IPAM раҳбари Банкнинг кадрлар сиёсати ва тартиблари қўманиладиган

IPAM ходимларини назорат қилади. IPAM раҳбари банк раҳбарияти ёки Директорлар кенгаши иштирокисиз тасдиқланган бюджет доирасида ишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. IPAM ходимларининг иш ҳақи банкнинг кадрлар бўлими билан келишилган ҳолда IPAM раҳбари томонидан белгиланади. IPAM ходимларининг иш ҳақини ошириш Банкнинг бошқа ходимларига нисбатан сиёсати ва тартиб-қоидаларига асосланади.

d) **Ҳуқуқий ёрдам.** Бош маслаҳат идораси сўров бўйича IPAM ва Кенгашга Банкни таъсис этиш тўғрисидаги битим бўйича ЕТТБнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда сўровда кўриб чиқиладиган лойиҳага оид Банк сиёсати ва тартиб-қоидаларини талқин қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳат беради. Бош маслаҳат идораси, шунингдек, сўров бўйича IPAM ва Кенгашга ушбу Сиёсат доирасида кўриб чиқиладиган ҳар қандай сўров ва ишлар бўйича ЕТТБнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ бошқа процессуал масалалар бўйича маслаҳат беради. Бунда Кенгаш юқоридаги ҳужжатларни ҳар қандай талқин қилиш ёки ушбу Сиёсат қоидаларини қўлаш бўйича якуний қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига дахл қилинмайди. Бош маслаҳат идораси, зарурат туғилганда, IPAMга ЕТТБнинг тегишли ҳудудари ёки фаолият юритаётган мамлакатлари қонунлари ва қоидалари бўйича ихтисослаштирилган юридик маслаҳат олишига ёрдам беради.

e) **Қўшимча техник тажриба.** IPAM техник маслаҳат бериш учун маслаҳатчиларни жалб қилиши мумкин. Ҳар қандай бундай маслаҳатчи Харидлар қоидалари ва ушбу ҳужжатнинг 3.1(i)-бандига мувофиқ танланиши ва жалб қилиниши керак. У IPAM раҳбарига ҳисобот беради.

f) **Раҳбарият билан ўзаро муносабатлар.** Раҳбарият IPAM раҳбарини мулоқотни яхшилаш ва умумий манфаатдор масалаларни тушунишни яхшилаши мумкин бўлган бошқарув йиғилишларини кузатиш ёки иштирок этишга таклиф қилади.

g) **Ҳисобот бериш.** IPAM раҳбари ҳар чорақда аудит қўмитасига ҳисобот беради. Қўшимча брифинглар Кенгашга сўров бўйича ёки зарур ҳолларда тақдим этилади.

I бўлим IV: Мажбуриятдан воз кечиш, истиснолар ва ахборотни ошкор қилиш

Мажбуриятдан воз кечиш

Кенгаш ушбу Сиёсат шартлари билан аниқ рухсат берилмаган ушбу Сиёсат талабидан четга чиқишга рухсат бериши мумкин.

Истиснолар

Кўзда тутилмаган.

Маълумотларни ошкор қилиш

Ушбу Сиёсат тасдиқланган кундан бошлаб беш иш куни ичида Банк веб-сайтида эълон қилинади.

I бўлим V: Ўтиш даври учун тартиб-қоидалар

Ушбу Сиёсат VI бўлимга мувофиқ ушбу Сиёсат кучга кирган кундан кейин IPAM томонидан сўров юборилган ва/ёки рўйхатга олинган ҳолатларга нисбатан қўманилади.

Ўша кунга қадар тўланмаган ҳолатлар қуйидаги қоидалар билан тартибга солинади:

- a) **Жорий мақбуликни баҳолаш:** жорий мақбуликни баҳолаш бўйича қарорлар (PSM тартиб-қоидаларида белгиланганидек) PSM қўшма мақбуликни баҳоловчилар (яъни, PSM ходими ва тайинланган PSM эксперти, ҳар бири PSMда белгиланганидек) томонидан эмас, балки IPAM раҳбари томонидан қабул қилинади.
- b) **Жорий муаммоларни ҳал қилиш ташаббуслари:** PSM масалалари бўйича эксперт сифатида тайинланган PSM экспертлари (PSM тартиб-қоидаларида белгиланганидек) воситачи сифатида ишлашда давом этадилар, лекин IPAM раҳбарига ҳисобот бериладилар.
- c) **Жорий мувофиқлик таҳлилари:** IPAM раҳбари, ўз хоҳишига кўра, PSM тартиб-қоидаларига мувофиқ бошланган, лекин ҳали тугалланмаган мувофиқлик таҳлили тайинланган PSM эксперти томонидан якунланиши ёки бошқа масалаларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Сиёсат қоидалари билан

бошқарилишини ҳал қилади. Бунда, бошқа ҳаракатлар билан бир қаторда, алақачон ўтказилган таҳлил доираси (ва давомийлиги) ва PSM эксперти бирон бир хулосага келган-келмаганлиги ҳисобга олинади. Ҳар қандай бундай қарор ва унинг сабаблари ишлар реэстрида эълон қилинади.

Иловалар

А илова «Қўлаш соҳаси» номидаги III бўлимнинг бир қисмидир.

- IPAMнинг намунавий сўров шакли
- IPAM сўровига андаза

I бўлим VI: Амал қилиш муддати

Ушбу Сиёсат 3.3(а)-бандга мувофиқ IPAMнинг биринчи раҳбари тайинлангандан сўнг кучга киради.

I бўлим VII: Қарор қабул қилиш механизми

IPAM раҳбари ушбу сиёсат учун ҳисобдордир. IPAM раҳбари ушбу сиёсат учун жавобгардир.

I бўлим VIII: Таҳлил ва ҳисобот бериш

Ушбу лойиҳа 2024 йили таҳлил қилиниши зарур.

IPAM йиллик ҳисобот тайёрлайди, унда рўйхатдан ўтган сўровлар, иш натижалари, якунланган тарғибот ташаббуслари ва ўтган молиявий йилдаги институционал тажрибалар тавсифланади. Йиллик ҳисоботлар маълумот учун Кенгаш ва Президентга тақдим этилади ва кейин IPAM веб-сайти орқали дарҳол жамоатчиликка эълон қилинади.

I бўлим IX: Мавзуга оид ҳужжатлар

1. ЕТТБ Лойиҳа ҳисобдорлиги сиёсатига мувофиқ алоҳида ишларни юритиш бўйича қўлланма (GUI/2019/[])
2. ЕТТБнинг Экологик ва ижтимоий сиёсати (POL/2019/[])
3. ЕТТБнинг Ахборотдан фойдаланиш сиёсати (POL/2019/[])

EBRD contacts

European Bank for Reconstruction and Development
One Exchange Square, London
EC2A 2JN
United Kingdom

www.ebrd.com

Switchboard/central contact

Tel: +44 20 7338 6000

Information requests

For requests and enquiries, please go to
www.ebrd.com/inforequest

1096 Access to Information Directive

*© European Bank for Reconstruction and
Development*